

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

“БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚАТ
МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ”

(Одобнома дарслари мисолида)

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши битирувчиси 4-курс талабаси **Сирожиддин Шокиров**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ўқитувчи Р.К.Қодиров

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли байённомаси “ _____ ” _____ 2013 йил

ТЕРМИЗ – 2013

МАВЗУ: БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

РЕЖА:

КИРИШ

I. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқоти-ижтимоий жараён сифатида

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини шаклланишида шарқ алломалари карашлари

II. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

2.1.Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг маҳорати

2.2 Мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқув фанларнинг ўрни.47-53

2.3 Бошланғич синф ўқувчиларида “Одобнома” фанини ўқитиш жараёнида мулоқот маданиятини шакллантириш усуллари

Хулоса

Фойдаланилган адабабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишни»¹ - истаётган бир даврда яшаймиз. Бу истак эса ёшлар таълим – тарбияси билан шуғулланаётган касб эгаларини юксак касбий тайёргарликка, ғоявий–сиёсий эътиқодга, ташкилотчилик ва бошқарувчилик малакаларига эга бўлиш лозимлигини талаб этмоқда. Чунончи, мустақиллик шароитида мамлакатда таълим тизимининг янгилашиши, у ўз навбатида таълим - тарбия мазмунининг янгилашишига олиб келди, натижада ўқитиш ва тарбиялашнинг шакли, усуллари, воситалари мажмуи, ўзбекона кўриниш касб этди ҳамда миллий урф – одатларнинг ўқув – тарбия жараёнига фаол кириб бориши амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар ҳар бир ўқитувчи - тарбиячини янгича фикрлашга, шарқона иш юритишга, тадбиркорлик, ишбилармонлик асосида иш юритиш ҳамда маънавий – маърифий ишларнинг фаол иштирокчиси бўлишга даъват этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳар даврдагидан ҳам кўпроқ педагогика фани олдида янгича фикр юритадиган юксак маънавий – ахлоқий салоҳият, ақлий заковатга эга бўлган ўқитувчи - тарбиячини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.:“Ўзбекистон”, 1995, 47-бет

тайёрлаш, унинг касб маҳорати ва малакасини узлуксиз такомиллаштириш учун таълим ва тарбиянинг замонавий мазмун, шакл, усул ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш муаммоси долбзарблашмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди.

Акли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор.

Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди—бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақида фикр юритганда, биз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, кичик мактаб ёшидаги болаларга таълим-тарбия

беришнинг педагогик ва психологик асосларини мукамаллаштиришга хизмат қиладиган қатор илмий қарашлар, педагогик назариялар шаклланганки, улар характериға кўра унитар (якка) ҳолатдаги, анъанавий (предметли) таълим туридан фарқли ўлароқ шахс камолотини, унинг баркамол шаклланиб ривожланиб боришини таъминлашга хизмат этувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш имкониятини беради. Бошланғич таълим умумий ўрта таълим тизимида муҳим бўғин ҳисобланиб, у болада ўқиш-ўрганиш истаги ва кўникмаларини шакллантириш, болани юқори даражада шаклланган билиш фаолиятига жалб қилиш, бола руҳиятида зоҳир бўлган адолат ва эзгуликни барқарорлаштиришни мақсад қилиб қўяди.

Дарҳақиқат, барча касбкорлар тизимида ўқитувчилик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш қалблар камолотининг меъмориридир. Бугун у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниктириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб – ҳунар эгаллашларига кўмаклашиши ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий – иқтисодий вазифани ҳал этишга чоғламоғи даркор. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчи - ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг оптимал йўллариини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун педагогик маҳорат фани ўқитувчидан доимо касбий маҳорати устида изланиш учун, унга турли шарт – шароитлар яратиши, керакли моддий ва илмий – методик ёрдам кўрсатиши ҳамда ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини оширишига кўмаклашади. Бу педагогик маҳорат фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

Педагогик маҳоратнинг моҳият - мазмунини, касб малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг йўллари, воситалари, шакллари ташкил этади. Чунончи, педагогик маҳорат мазмунидан ўқитувчи – тарбиячига педагогик ижоди, педагогик техникаси, таълим – тарбия

жараёнини ташкил этиш қобилияти ўқитувчи – талаба ҳамкорлиги, муомаласи, касб маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий тарбия ишларини ташкил этиш маданияти ва уни амалга ошириши ва бу жараёнда ўз хулқ – атворини, ҳиссиётини тартибга солиш ва ривожлантириш каби масалалар ўрин олган. Шунингдек, мазкур фан таркибида мазмунидан касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш ҳамда унга раҳбарлик қилиш, педагогик – психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндошиш, таълим – тарбияни моделлаштириш, ўқув – тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар ва уларни такомиллаштирувчи иш тизимлари мужассамлашган.

Кишилар билан нормал муносабатларни ўрната олмаслик, айниқса, бизнес соҳасида шерикларнинг ҳолатлари, кутишларини аниқлай олмаслик, ўз нуқтаи назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира олмаслик, “бировни” унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила олмаслик амалий психологияда коммуникатив ўқувсизлик ёки дисконмуникация ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда кишилар бир-бирларини тушуна олмай қоладилар, оқибатда тугай деб турган иш битмасдан чўзилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги пайтда катта ёшдаги кишиларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир зиёли киши бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак. Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан долзарб қилиб кўймоқда.

Маълумки, гаплашаётган кишилар бири гапиради, иккинчиси тинглайди. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиришига боғлиқ экан. Машҳур америкалик нотиқ, психолог Дейл Карнеги “Яхши суҳбатдош-яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир” деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда

тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишлаётган кишилар вақтининг 45%и кимларнидир тинглашга сарф қилар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар-савдо ходимлари, алоқачилар, раҳбарлар, мухбирлар 35-40% ойлик маошларини одамларни тинглаганликлари учун оларканлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтираркан.

Шунга асосан биз битирув малакавий ишимизни **“Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантириш”** деб номладик .

Битирув малакавий ишининг мақсади. Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришнинг мазмунини ривожлантириш ва технологиясини ишлаб ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ этиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- Бошланғич синф ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришни педагогик муаммо сифатида илмий-амалий жиҳатларини асослаш;

-Шарқ алломалари таълимотларида ёш авлоднинг мулоқот маданиятини ривожлантириш борасидаги таълимотларини ўрганишб таҳлил қилишб амалга татбиқ қилиш;

-Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини ривожлантирувчи омиллар тизимини аниқлаш;

- Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришни педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

-Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш мазмунини ривожлантириш технологиясини, методлари, воситаларини белгилаш;

- Бошланғич синф ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси:

Биз томонимиздан ўрганилаётган мавзу кўпгина педагог, психолог, социолог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини, изланишларни дебочаси ҳисобланади.

Педагог олимларимиздан Р.Мавлонова, М.Иномова, О.Мусурмонова, А.Ортиқов, М.Хайдаров, А.Тешабоев, Х.Саноқулов сингари олимларимиз томонидан, педагогик нуқтаи назар томонидан ёритилган.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантириш педагогик шарт- шароитларини аниқлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантириш жараёнига йўналтирилган фаолият мазмуни, шакли, услуби ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг предмети. Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантириш мазмунини ривожлантириш технологиясини амалга ошириш жараёни.

Битирув малакавий ишининг объекти. Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантириш жараёни.

Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти: қуйидагиларда ўз аксини топган;

- мулоқот маданияти тушунчасининг мазмуни ва моҳияти илмий асослаб берилди;

- бошланғич таълим босқичининг бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини шакллантириш омиллари аниқланди;

- бошланғич таълим мулоқот маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт– шароитлари, тизими уни ўқув тарбия жараёнида амалга ошириш услубияти ишлаб чиқилди;

Битирув малакавий ишининг методлари: Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришга оид назарий- методик адабиётларни таҳлил қилиш, суҳбат, анкета, табиий экспериментал кузатиш, аниқловчи ва шакллантирувчи тажриабалар.

Битирув малакавий ишнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг таълим-тарбия ҳақидаги асарлари ва нутқлари, Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллар концепцияси, ўзбекистон давлатининг миллий ва маънавий қадриятлари ҳақидаги фармонлари, ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълим мактаблар ҳақидаги қарорлари, ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари, Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари, баркамол авлод тарбиясига оид фалсафий, психологик, педагогик таълимотлар, мавзуга тегишли илмий-педагогик, методик манбаларни ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг таркиби: Кириш, икки боб, тўрт бўлим, умумий хулосадан иборат.

I. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот-ижтимоий жараён сифатида.

Мулоқот - инсонларнинг маълум бир жамода ёки гуруҳда ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида вужудга келадиган эҳтиёжларидан бўлиб, фаолиятлари давомида ўзаро муносабатларга киришиши жараёни ҳисобланади².

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишиларда фаолият жараёнида бир - бирларига ниманидир айтиш истаги туғилади.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади.

² Сафо Очил. "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари". Тошкент, "Ўқитувчи" 1995. -254 б.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир. Ҳар бир кишининг ўз “Мени” атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Педагогик мулоқот - бу мулоқот турларидан бири бўлиб, педагогик фаолиятда муҳим ўрин тутади.

Биз гуруҳ ва жамоага кирар эканмиз, доим унда турли ролларни бажаришга тўғри келади. Расмий гуруҳда бошлиқ ролини ўйнасақ, касалхонада бемор, дўконда харидор, оилада рафиқ ёки рафиқа, ота - она олдида эса фарзандлик ролини бажарамиз.

Биз бўлажак мутахассисларда қуйидаги муомала хусусиятларини шакллантиришимиз зарур:

- муомала маданиятининг назарий асосларини;
- шахслараро муносабатлар қонуниятларини;
- педагогик мулоқотнинг қонуниятларини;
- оилада, гуруҳ ва жамоаларда мулоқотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- шахсда мулоқот шаклланишини ўрганиш;
- муомала маданиятини барча гуруҳ ва жамоаларда шакллантириш;
- шахслараро муносабатларда мулоқотнинг аҳамиятини кузатиш;
- мулоқот сирларини билиши ва қўллай олишни;
- гуруҳларда мулоқотни шакллантириш методикаларини ўтказиш;
- оилада мулоқот маданияти, мулоқот сирларидан боҳабар бўлиш;
- мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида психологик

маслаҳатлар ташкил тиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш.

Мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро рухий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш ўқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам, бошқа одамлар томонидан тақлид қилинади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш - ўзини - ўзи мукаммаллаштириш, ўзини - ўзи руёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини - ўзи баҳолаш, ўзига - ўзи буйруқ бериш шахснинг рухий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлиднинг тушуниш ҳамда уларни босқичма-босқич эгаллаб бориш - бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби - бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

1) ҳамқорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш.

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари

тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари тизимини яратиш.

Хуллас, инсон ўзини идора қилиш, турли вазиятларда ўзини тутиш фазилатлари ўзлаштирилаётган даврда баъзи бир қоидаларга риоя қилса, ҳамкорлик фазилатида маълум ютуқларга эришади:

1. Ижтимоий ҳодисаларнинг ташқи воқе бўлиши нафақат ички рухий ҳолат ва унинг мазмунини акс эттирибгина қолмайди, балки икки томонлама алоқа туфайли мазкур жараён юзага келади.

2. Ихтиёрий, фаол диққатнинг ташқи объектларга йўналтирилганлиги ва тўпланганлиги турли омиллар таъсири туфайли самарадорлик даражасини пасайтиради, асабий ҳолат ишчанликни камайтириб мулоқот маромига путур еткази.

3. Инсон ўзини эркин, озод, бемалол ҳис этиш ҳислатини ўзлаштириш учун жисмоний кескинлик, асабий таранглик, ақлий зўриқиш орқали кўзланган мақсадига етиши мумкин.

Педагогик мулоқот-педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келиши лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади. Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчилари билан мулоқотга киришиш жараёнида улардан ҳурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан ҳурмат ва ишончни талаб этадилар. Бу педагогик таъсирнинг самарали йўли бўлиб, тажрибали ўқитувчилар болани ўз-ўзини ҳурматлашга асосланган ҳолда муносабатларни ташкил этадилар ва шу орқали ўзаро муносабатларни амалга оширадилар. Мулоқотнинг ўзига хос 3 та даражалари мавжуд. Булар: макро даражада (катта)-инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-ахлоқ нормаларига суянган ҳолда амалга оширилади. Мезо даражада(ўрта)-мулоқот маълум мавзу асосида кечади (масалан, аскияда маълум мавзудан чекинмаслик). Микро даража (кичик) -

мулоқотнинг оддий шакллари, савол-жавоб тариқасида юз беради. Мулоқотнинг турлари: шахслараро (инсон-инсон), шахсий-гуруҳий (гуруҳ-гуруҳ), оммавий коммуникация (радио, телевидение, рўзномалар ва журналлар) каби турлари мавжуд.

Ўқитувчи мулоқотда ижодийлик қуйидагиларга боғлиқ:

- бошланғич синф ўқувчилар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш;
- бошланғич синф ўқувчиларга таъсир қилишда унинг хулқ-атворини бошқариш, ўзаро ҳаракатнинг турли йўллари қўллаш;
- ўқитувчининг ўз-ўзини бошқара олиши;
- ўзаро муносабатлар жараёнидаги ижодийлик характери билан сақлаб билиш.

Демак, ўқитувчи бошланғич синф ўқувчилари билан зиддиятларга борса, қандайдир муаммо туғилса дарҳол ҳал қилиши лозим. Педагогик мулоқотдаги ижодийлик ҳам шунда билинади. Педагогик мулоқотда ўқитувчи ўқувчини кўзига қараб унинг ҳаёлидан нима кечаётганлигини билиб олиши керак.

Ижодийлик ўзаро муносабатлардан бошланади. Ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибасидан, услубидан келиб чиқиб ўқувчилар билан мулоқотда бўлиши лозим. Яъни ностандарт усулларни излаб топиши керак. Педагогик таъсир ҳам педагогик мулоқотдаги ижодийлик орқали амалга оширилади.

Ижодийликни амалга ошириш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- бир неча ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, унда ўқувчиларнинг кайфиятини, ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган муносабатларини аниқлаш;
- ўқитувчининг дарсда қандай усулларни қўллаши, мулоқотни қандай ташкиллаштириш, ўқув-тарбиявий муаммоларни ечишини аниқлаш;
- ўзининг мулоқот технологиясини бошқа ўқитувчининг “технологияси”га таққослаш;
- тажрибали ўқитувчиларнинг тарбиявий соатларида қатнашиш орқали

мулоқот жараёнидаги ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш;

– ўзининг дарсидаги муҳити билан бошқа тажрибали ўқитувчининг дарсидаги муҳитни таққослаш орқали хулоса чиқара олиш.

Педагогик мулоқот-мураккаб ҳодиса. Шахс педагогик мулоқот қилишдан аввал ўз олдига бир неча вазифаларни қўяди. Жумладан, мақсад қўяди, мулоқот қачон, қаерда, неча ёшлилар билан ўтказилишини режалаштиради. Педагогик мулоқотнинг энг муҳим босқичи - бу моделлаштириш ҳисобланади. Бу босқичдан муҳим, масъулиятли муаммони ҳал қилишда фойдаланилади. Масалан, дарсга тайёрланиш, мавзуни режалаштириш ҳам шу босқичга киради. Биринчидан, дастурга мос равишда дарс лойиҳаси тузилади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Учинчидан, дарс жараёнида қўлланиладиган таълим-тарбия усуллари танланади. Тўртинчидан, болани ақлий ривожланиш қобилияти ҳисобга олинади.

Иккинчи босқич-бу бевосита мулоқот босқичи. Буни “коммуникатив хужум” деб аташ мумкин. Чунки ўқитувчи тўлиқ ташаббусни ўз қўлига олиб дарс бошлайди. Учинчи босқич эса-бу мулоқотни бошқариш босқичи бўлиб, касбий коммуникациянинг муҳим таркибий қисмидир.

Педагогик мулоқотнинг вазифаси-технологияни ўзлаштириш бўлиб, унда ўқитувчи илиқ муносабатларни қўллай олади, натижада педагог шахси намоён бўлади.

Дарсда ташаббусни қўлга олиш усуллари қуйидагилардан иборат:

– синф билан алоқани йўлга қўйишда зудлик билан ҳаракат қилиш;
– тезлик билан ташкилий ишлардан дарс жараёнининг муҳим босқичига ўта олиш;

– синфни ижтимоий-педагогик яқдиллигини, ”биз”ҳиссини шакллантириш;

– вазиятга қараб ўқувчилар билан мулоқот усулларини қўллаш;

– бутун синф жамоаси билан яхлит алоқани ташкиллаштириш;

– латофатлилик, дилкашлик, софдилликни ўзида шакллантира олиш,

дарсда намоён қила билиш;

– таъқиқланган педагогик талабларни камайтириш, вазиятга қараб иш тутиш;

– мимика (юз ифодаси), пантомимика (ҳаракатлар), кўз билан таъсир қилиш (новербал мулоқот) ни фаол қўллаш;

– ўзаро бир-бирини тушунишни ҳис қилиш.

Мулоқот маданиятининг муваффақиятли бўлишида ўқитувчининг коммуникатив маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчи ўқитувчининг дилдан гапираётганлигини ҳис қилиб туриши керак. Бўлмаса кўнгилдагидек мулоқот амалга ошмайди. Айрим ўқитувчилар ўқувчилар билан уларнинг ёшини ҳисобга олмасдан мулоқотда бўладилар. Ўқитувчи ўқувчини катта бўлаётганлигини сезиб турса, бу унинг мулоқот маданиятини шаклланаётганлигидан далолат беради.

Педагог коммуникатив маданиятга эришиш учун қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

– ўқувчини сабр-тоқат билан тинглаш маданияти;

– унга қизиқарли бўлмаса ҳам ўқувчини диққат билан тинглаш;

– ўқувчи зерикаётганлигини сезиб, мавзунини бошқа қизиқарли томонга буриб юбориш;

– суҳбатлашишдан аввал ўқувчининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиш;

– бозор иқтисодиётига мос келадиган мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

Ўқитувчи ўзи учун бошқалар билан бўладиган мулоқотни яхлит портретини тузиб олиши керак. Бу синф билан бўладиган муносабатларни ташкил қилишига ёрдам беради. Педагогик мулоқот-ўқув жараёнининг муҳим қисми.

Ўқитувчи, тарбиячи коммуникатив фаолияти педагогик фаолиятдаги мулоқотда муҳим рол ўйнайди. Коммуникатив кўникма қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Кишилар билан мулоқотда бўлиш кўникмаси;
2. Ўқувчилар билан биргаликдаги ижодий фаолиятни ташкиллаштириш кўникмаси;
3. Мақсадга йўналтирилган мулоқотни ташкиллаштириш ва бошқара олиш кўникмаси (уқуви).

Коммуникатив қобилиятларнинг асосий таркибий қисми мулоқотчанликнинг турлича намоён бўлишидир. Биз биламизки, мулоқотманд кишилар осон, тез, зудлик (оператив) билан мулоқотни ташкиллаштирадилар. Бундай кишилар ҳар доим коммуникативликнинг энг марказида туради. Ўқитувчи фаолиятдаги мулоқотчанлик шахсий фазилат сифатидагина эмас, балки касбий-шахсий фазилат сифатида юзага чиқади.

Мулоқотчанлик кўп қатламли бўлиб, уни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- 1) мулоқотга киришувчанлик-коммуникация жараёнидан қониқишни ҳис қила олиш қобилияти;
- 2) ижтимоий яқинлик-жамиятда бўлишга хоҳиш, кишилар орасида бўлиш истаги;
- 3) альтруистик (бошқалар манфаати учун ҳаракат қилиш, ёрдам бериш) йўналишлар.

Педагогнинг коммуникатив фаолиятига унинг қобилиятлари ҳам қиради. Жумладан, дидактик (мавзунини тушунарли, содда тилда баён қилиб бера олиш), ҳиссий - иродавий таъсир эта олиш, перцептив - педагогик кузатувчанлик асосида ўқувчи руҳиётига таъсир қилиш, экспрессив - нутқий, мимика, пантомимика асосида фикрни тушунтириш, коммуникатив - ўқувчилар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, педагогик такт, талабчанлик қабилар. Кўриниб турибдики, барча педагогик қобилиятлар коммуникатив қобилиятлар билан боғлиқ. Биринчи мартаба дарсга кирганда, ўқувчилар билан мулоқотда бўлганда “ижодийлик ҳисси” туғилади. Дарсни такрорлашда эса иккинчи”бор ижодийлик ҳисси” намоён бўлади. Л.С.Выготский санъатнинг ижодийлик актини ўргатиш мумкин

эмаслиги, онг орқали биз онгсизлик ҳолатига киришимиз, онгли жараёнларни ташкил қилишимиз, улар орқали онгсизлик жараёнларини чақиришимиз ҳақида фикрлар билдирган.

Ўқитувчи фаолиятда мулоқотнинг турли босқичларида ҳиссий жихатдан ўзини ҳис қилиш муҳим рол ўйнайди. У фаолиятга тайёрланиш жараёнида аудиториядаги мулоқотдан сўнг уни тадбиқ қилишда намоён бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, коммуникатив рухлантиришнинг вужудга келиши ва уни тадбиқ қилиш мураккаб жараёндир. Бевосита мулоқот жараёнида педагогда коммуникатив рухланиш ҳолати юзага чиқади. Табиийки, коммуникатив ўзини ҳис қилиш педагогнинг умумий ва коммуникатив маданияти даражасига, энг муҳими-педагог шахсининг касбий-педагогик даражасига, ўқувчилар билан ишлаш хоҳиш-истагига боғлиқ.

Педагогнинг ижодийлик ҳисси, интеллектуал, эмоционал томонини ташкил этади. Ўқитувчининг ижодийлик ҳисси айниқса адабиёт дарсларида кучли намоён бўлади. Шу билан бирга ўқитувчининг тажрибаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Тажрибаси ортиб боргани сари ўқитувчи дастлабки материаллардан кўнгли тўлмайди, янги-янги материалларни дарс жараёнида қўллашга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ижодийлик ҳисси шаклланган бўлиши лозим. Ижодийлик ҳисси бўлса, ўқитувчи изланади, имкон топади. Ўзини ҳиссий томондан тайёрлаш педагогда ижодийлик ҳиссини келтириб чиқаради. Қўйида бир неча тавсияларни бериб ўтамыз:

- материал билан ишлашда ундаги асосий ўринларни қидириб топиш;
- аудиторияга мурожаат қилиш, яъни улар билан мулоқотда ижодийликка эътибор бериш;
- дарсдан қониқиш ҳис қилиш.

Биз кўз олдимизга биринчи дарсни келтира олсак, ўша пайтдаги хаяжонни, қувончни, ижодийлик ҳиссини туямиз. Ўқувчилар билан бўлган дамларимиз эсда қолса, из қолса, демак , бу мулоқот услубига боғлиқ. Педагог коммуникатив мулоқотини маҳсулдор бўлиши учун у педагогик

таъсир кучининг тизимларини, унинг ҳар бир қисмини билиши зарур. Дарс жараёнида ўқитувчи қайси усулни қўллаётганини доимо эслаб туриши керак. Бунинг учун ўқитувчи иккита муҳим муаммони ҳисобга олиши:

- ўзининг ҳатти-ҳаракатини тўғри ташкиллаштириши;
- коммуникатив таъсир самарадорлигини таъминлаши зарур.

Ўқитувчилик фаолият жараёнидаги мулоқотнинг қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) ўқувчи ва ўқитувчи мулоқоти тизимининг умумий тузилиши(мулоқотнинг аниқ усули);
- 2) ўқитувчи фаолиятнинг аниқ босқичи учун хос бўлган мулоқот тизими;
- 3) аниқ ўқитувчи ва коммуникатив масалаларни ечишда намоён бўладиган мулоқотнинг вазиятли тизими.

Ўқитувчи ва таълим оловчиларнинг ижтимоий-психологик таъсир хусусиятларини мулоқот услублари орқали қуйидагича тушуниш мумкин:

- а) ўқитувчининг коммуникатив имкониятлари ;
- б) ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар табиати;
- в) ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги;
- г) ўқувчилар жамоасининг хусусиятлари. (Кан-Калик.Учителю о педагогическом общении. 97-бет).

Мулоқот услубларига қуйидагилар киради:

1. Ҳамқорликдаги ижодий фаолиятга қизиқиш асосидаги мулоқот.
2. Дўстона муносабатлар асосидаги мулоқот.
3. Масофадан туриб мулоқотга киришиш.
4. Қўрқитиш(қўрқув) асосидаги мулоқот.
5. Ёлғон обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот.

Биринчи услуб асосини ўқитувчининг юқори касб этикаси ташкил этади.Бу услуб ҳақида М.О.Кнебель, И.П.Волков, В.Ф. Шаталов кабилар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, ўқувчилар билан бўладиган муносабат ва ўқитувчи ҳиссиётлар мана шу услуб асосида шаклланади.

Иккинчи услуб асосан дўстона муносабатлар, ўқув-тарбиявий фаолиятда шаклланади. Дўстона муносабатлар мулоқотнинг бошқарилишини таъминлайди. Мароқлилиқ билан дўстона муносабат биргаликда ривожланади. Ўқитувчи бир томондан ўқувчилар учун яқин ўртоқ, иккинчи томондан биргаликдаги фаолият қатнашчиси бўлиши лозим.

Учинчи услуб, яъни масофадан туриб мулоқотга киришиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Масофа жуда узоқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда расмиятчилик кўчайиб, ижодийлик муҳити шаклланмайди. Ўқитувчи масофани сақласа обрў-эътибори ортади.

Тўртинчи услуб-кўрқитиш асосидаги мулоқот бўлиб, бу услуб мулоқотнинг негатив шаклидир. Баъзи ўқитувчилар ўқувчиларни кўрқитиш орқали мулоқотда бўладилар. Чунки уларда педагогик маҳорат яхши шаклланмаган бўлади. Айниқса катта синфда маъруза ўқийдиган маърузачилар синфни шу услуб асосида бошқарадилар. Жуда қаттиқ туриб, тингловчиларни кўрқитиб ўқитувчи мулоқотни муваффақиятли амалга ошираман деб ҳисобловчилар янглишади. Бу ўзаро тушунишга тўсқинлик қилади.

Бешинчи услуб-ёлғон обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот бўлиб, ёш ўқитувчилар малакаси етарли бўлмагани учун ёлғон ишлатадилар. Бу билан ўқитувчи ўқувчи билан тезроқ мулоқотда бўлиб олишга ҳаракат қилади. Бундай усулни қўллайдиган педагогда умумий педагогик ва коммуникатив маданият етишмайди. Демак, педагогларнинг фикрича, биринчи ва иккинчи услуб асосида мулоқотга киришиши яхши натижаларга олиб келади.

Инсоннинг уни ўраб турган оламга ўзаро таъсири объектив муносабатлар тизимида намоён бўлади, объектив муносабат ва алоқалар сўзсиз ҳар қандай реал синфларда пайдо бўлади. Синф аъзоларининг бу объектив ўзаро муносабатлари субъектив шахслараро муносабатларда акс этади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш одамларнинг ўзаро бирлашишини талаб

килади. Ҳеч бир кишилик жамияти агар унда одамлар билан муносабат ўрнатилмаса, улар бир-бирини тўғри тушунмасдан тўлақонли биргаликдаги фаолиятни ташкил эта олмайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга бирор нарсани ўргатиш учун улар билан муносабатга киришиши керак.

Бошланғич синф ўқувчилари мулоқот кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти эҳтиёжлари асосида туғиладиган улар ўртасидаги алоқа ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот ҳамкорликдаги фаолият қатнашчилари ўртасида ахборот алмашиниши ўз ичига олади, бу мулоқотнинг коммуникатив томонида ифодаланади. Одамлар бир-бири билан муносабатга киришишда тилдан муомала воситаси сифатида фойдаланадилар. Мулоқотнинг иккинчи томони муомалага киришувчиларнинг ўзаро таъсиридир. Бунда фақат сўзлар эмас, балки ҳаракат ва ҳолатлар ҳам алмашинади. Масалан, сотувчи билан харидор ўртасида бирор сўз айтмасдан муомалага киришиш мумкин. Мулоқотнинг учинчи томони муомалага киришувчиларнинг бир-бирини идрок қилишидир. Муомалага киришувчиларнинг бир-бирини тўғри тушуниши муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, мулоқотнинг шартли уч томонини ажратиш мумкин: коммуникатив (ахборот бериш), интерактив (ўзаро таъсир) ва перцептив (ўзаро идрок қилиш).

Мулоқотнинг бу уч томонининг бирлиги муомалага киришувчи кишиларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорликдаги фаолиятининг ташкил этиш усули сифатида намоён бўлади. Мулоқотнинг мазмуни- ахборот алмашиш, ўқитувчи томонидан турли коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил этишдир. Педагогларнинг тарбиявий ва дидактик вазифаларни ўқитувчи ҳамда ўқувчилар жамоаси ўртасида муносабатларни таъминламай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Мулоқот икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасида билиш ёки баҳолаш тарзидаги ахборот алмашишда намоён бўлувчи ўзаро таъсирдир.

Мулоқотнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш ва фаолият кўрсатиш

жараёнида одамларни бирлаштирадиган умумий нарса ишлаб чиқариш тарзида тушунилиши ана шу умумий нарса аввало мулоқот воситаси сифатидаги тилдан иборат эканлигини билдиради. Тил мулоқотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Уни бу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра кодлаштирган ҳолда ахборотни маълум қилаётган киши ҳам, бу моҳиятнинг кодини очган, яъни унинг маъносини ошкор этган ва ана шу ахборот асосида ўз хулқ - атворини ўзгартирган ҳолда бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади.

А.В. Петровский фикрича, ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши (коммуникатор) ва уни қабул қилаётган киши (реципиент) муносабат ва биргаликдаги фаолият мақсадларига эришиш учун моҳиятларни кодлаштириш ва кодини очишнинг битта ягона тизимидан фойдаланишлари, яъни битта тилда сўзлашишлари керак. Моҳият - белгининг теварак - атрофдаги воқеликни билишни ифода этадиган қисм сифатидаги мазмунга эга бўлган жиҳатидир. Қурол одамларнинг меҳнат фаолиятини ифодалагани сингари белгилар ҳам уларнинг билиш фаолияти ва муносабатини намоён қилади.

Сўзлар белгилари тизими ҳаёт кечирish, ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш воситаси сифатидаги тилни таркиб топтиради. Тил ёрдамида мулоқотга киришиш туфайли борлиқнинг алоҳида бир кишининг миясидаги инъикоси бошқа одамларнинг миясида акс этаётгани билан доимий равишда тўлдирилиб туради ўй- фикрларини айирбошлаш, ахборот бериш рўй беради. Ўқитувчи у ёки бу сўзни ишлатганда унинг ўзи ҳам, унинг тингловчилари ҳам ёлғиз ўша битта ҳодисани назарда тутишади ва уларда англашилмовчилик юз бермайди. Моҳиятлар тизими кишининг бўтун ҳаёти давомида ривожланиб ва бойиб боради. Уни собитқадамлик билан шакллантириш ўрта таълимнинг ҳам, олий таълимнинг ҳам марказий бўғини ҳисобланади. Демак, тил билан мулоқот ўзвий боғлиқ ҳолда ривожланиб боради.

Ҳамқорликдаги фаолиятда зарурият туфайли инсон бошқа кишилар

билан бирлашиши, улар билан муносабатга киришиши, алоқа ўрнатиши, ўзаро тушунишга эришиши ва керакли ахборотни олиши, шунга мос жавобни бериши керак. Бунда мулоқот фаолиятнинг бир томони, унинг ахборот аспекти - коммуникация сифатида намоён бўлади. Бироқ предмет яшаш билан бирга инсон ўзи ясаган предметда ўзини “трансляция” қилади, яъни ўзини бошқаларда давом эттиради. Ҳосил қилинган предмет (қурилган бино, ёзилган каторлар, ўтказилган дарахт) бир томонидан фаолият предмети, иккинчи томондан инсон ўзини кўрсатадиган воситадир. Чунки бу бошқа кишилар учун ҳосил қилинган. Шундай қилиб, фаолият мулоқотнинг бир қисми, унинг томони; мулоқот фаолиятнинг бир қисми ва томонидир. Лекин мулоқот ва фаолият барча ҳолларда яхлит (бузилмас) бирликни ташкил этади.

Тил муомала воситасидир. Тил муомалага киришувчилар ўртасидаги коммуникацияни таъминлайди, чунки уни ахборот берувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам бирдай тушунади. Бошқа кишига ахборот берувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи (реципиент) мулоқот жараёнида бир хил тилдан фойдаланиши керак, акс ҳолда бир-бирини тўғри тушунолмайди. Ахборот алмашишда бола онасига саволлар беради ва улар унга жавоб берадилар, бу жавоблардан бола ўз фаолиятини кейинчалик фойдаланадиган умумий билимларнинг фақат озгина қисмини олади. Умумий билимларнинг бу озгинагина қисмини бола тил шаклида, тил ёрдамида сўз белгилари тизимида ҳосил қила олади. Мактабда ҳам худди шундай бўлади, ўқувчи олам ҳақида барча билимларни ўқитувчининг тушунтиришидан ёки дарсликдан, яъни тил ёрдамида ўзлаштиради. Бу ерда тил ўзининг муҳим вазифаларидан бирини бажарадиган, яъни яшаш воситаси ижтимоий - тарихий тажрибани бериш ва ўзлаштириш воситаси тарзида намоён бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир алоҳида одамнинг иш-ҳаракати ва фаолиятини кўпинча ижтимоий қийматга эга бўлмаган ўзга кишиларнинг бевосита тажрибалари белгилайди. Масалан, мен ошхона томон йўл оламан. Йўлда ўртоғим учраб менга: “ошхона ёпилган”, дейди. Шу пайтда бу хабар менинг

фаолиятимни маълум бир тарзда бошқаради: мен қайрилиб, бошқа ошхона томон жўнайман. Бу ерда тил ўзининг бошқа муҳим вазифаси билан, яъни восита ёки коммуникация усули ёки одамнинг хатти - ҳаракатларини бошқарувчи бир восита сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай коммуникация, ҳар қандай муносабат суҳбатдошига таъсир қилишдан иборатдир.

Учинчидан, ҳар бир алоҳида одамнинг иш - ҳаракатлари ва фаолиятларини ҳар бир айрим кишиларнинг шахсий тажрибаси белгилайди. Одамнинг “шахсий” тажрибаси, ўз индивидуал тажрибаси бошқа кишиларнинг тажрибалари ва ижтимоий тажрибанинг ўзига хос аралашмасидан иборат. Одам ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўз ҳаракатларини режалаштира олади. Бундай режалаштиришнинг ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишнинг асосий қуроли тилдир. Бу ерда биз тилнинг учинчи вазифаси ақлий фаолиятнинг (идрок, хотира тафаккур, ҳаёл) қуроли сифатидаги вазифасига тўқнаш келдик. Сўз белгилар тизими сифатида тилдан нутқ фаолиятида фойдаланилади.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Нутқ фаолияти алоқа жараёнининг ўзидир. Нутқ фаолиятининг қуйидаги турлари фарқланади: фаол ва пасив нутқ. Сўзловчининг нутқи фаол нутқ. Тингловчининг нутқи пасив нутқ ҳисобланади. Нутқ ички, ташқи нутққа бўлинади. Ташқи нутқ - ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса монолог ва диалогик нутққа бўлинади. Монолог - бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқдир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, логика ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериш керак.

Диалогик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади. Мактабда ўқувчиларда монологик нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор

беришлари керак. Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқ диалог дейилади. Диалогик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диалогик нутқда суҳбатдошларга маълум бўлган айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун ёзиб олинган диалог бошқаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин. Диалогик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолган сўз бирикмаси кўп учрайди (қойил, марҳамат қилиб айтингчи).

Нутқий фикр - мулоҳазани кодлаштириш ва кодини очиш жараёнлари оғзаки мулоқотда муваффақият келтирадиган ақлий марказлар ва тизимлар сақланиб қолганда юз беради. Мабодо ушбу тизимлар ишида бузилишлар рўй берса, киши нутқида турли хилдаги бузилишлар - афазиялар (сўзлашиш ва тушуниш қобилиятининг йўқотилиши) содир бўлади.

ХИХ асрнинг ўрталаридаёқ олимлар миянинг баъзи бир қисмлари ишидаги бузилиш нутқнинг бузилишига олиб келишини кашф этган эдилар. Жумладан, П.Брока беморларда чап ярим шарнинг пастки пешона қисмидаги бурмалари орқали орқа томонининг учдан бир улуши шикастланган ҳолда сўзларни талаффуз этишда бузилиш рўй беришини аниқлади. Кейинроқ К. Вернике чап ярим шарнинг устки чакка қисмидаги бурмалари орқа томонининг учдан бир улуши шикастланганда сўзларни тушунишнинг бузилиши ҳолларини тавсиф қилган эди. Мия тўқималарининг ушбу қисмлари ҳаракатлантирувчи нутқ (“Брока маркази”) ва нутқни тушуниш (“Вернике маркази”) “марказлари” деб юритила бошлади. Лекин кейинчалик, асосан психофизиологларнинг илмий ишлари туфайли нутқнинг физиологик негизи миянинг алоҳида қисмлари (“Нутқ марказлари”) фаолиятдан кўра кўпроқ яхлит ҳолдаги мия фаолиятининг мураккаб тарзда ташкил топишидан иборат эканлиги аниқ - равшан бўлди. Шундай қилиб, нутқ функцияларининг жўшқин, яъни анатомик тарзда эмас, балки ҳаракатчан тарзда чекланиши тўғрисидаги тасаввур таркиб топдики, бу марказий асаб тизимининг кенг равишда компенсациялаб туриш имкониятларидан фойдаланиши муносабати билан нутқнинг бузилишини тўғрилашида жуда катта аҳамият касб этади.

Новербал (нутқсиз) коммуникация воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (ҳолат), кўз ёш, кулгу ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникация - сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади. Болгарларда бошни қимирлатиш йўқ дегани, русларники тескариси бўлади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникация воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар кўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз хоҳиш ва кайфиятларини ўтказишда йиғидан восита сифатида фойдаланадилар. Ахборотни сўз билан баён этишнинг мазмуни ва мақсадига новербал коммуникация воситаларининг мос келиши муомала маданиятининг бир туридир.

Бошланғич синф ўқувчиларда нутқий муносабатга киришиш малакасини шакллантиришда педагогиканинг роли каттадир. Бу ўринда ҳам ўқитувчининг эркин ҳамда аниқ -равшан нутқи ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг биринчи даражали муҳим шартларидан ҳисобланади. Юксак нутқ маданияти - ўқитувчи томонидан вақтдан оқилона фойдаланишнинг муҳим шартидир. Демак, нутқ фаолияти турли даврларда ўзига хос шаклланиб, такомиллашиб боради.

Мулоқот мақсадлари кишиларнинг биргаликдаги фаолияти эҳтиёжларини акс эттиради. Бу ҳол қуруқ сафсатабозликнинг, яъни фатик мулоқотнинг, коммуникация воситаларининг биргина мулоқот жараёнининг ўзини ҳосил қилишдан иборат ягона мақсад йўлида тутуруқсизлик билан фойдаланилишини мустасно этмайди.

Кишилар мулоқотга киришар экан, савол бериш, буйруқ, илтимос қилиш, бирор нарсани тушунтириш билан бирга ўз олдига бошқаларга таъсир этиш, шу нарсани уларга тушунтириш мақсадини қўяди. Мулоқотнинг мақсади кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради. Бунда мулоқот шахслараро ўзаро таъсир сифатида намоён бўлади, яъни кишиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи алоқа ва ўзаро таъсирлар йиғиндисидир. Биргаликдаги фаолият ва мулоқот ижтимоий назорат шароитида рўй беради. Жамият ижтимоий нормалар

сифатида махсус хулқ-атвор намуналари тузилишини ишлаб чиққан. Ижтимоий нормалар кўлами ниҳоят кенг-меҳнат интизоми ҳарбий бурч ва ватанпарварлик хушмуомалалик қоидалари ана шулар жумласидандир. Ижтимоий назорат мулоқотга киришувчилар бажарадиган ролнинг “репертуар”ига мос ҳолда намоён бўлади.

Кишининг бошқалардан эшитишга ёки уларда кўришга тайёр бўлган нарсани улардан кутиш мумкинлигини беҳато ва аниқ тахмин қилиш қобилияти, малакаси одоб дейилади. Одобсизлик-бу мулоқот жараёнида мулоқотга киришганларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларининг издан чиқишига олиб келадиган ва баъзан можароли вазиятларни вужудга келтирадиган даражада бузилиши демакдир. Одобсиз хулқ-атвор нисбатан беғараз табиатга эга бўлади. Педагогик одобнинг тегишли алоқа ўрнатиш чоғида тарбиячига инъом этадиган имкониятларидан фойдаланиш ўқувчининг ривожланиши учун истиқбол яратиб берган ҳолда унинг шахсини шакллантириш жараёнини анча қулай шароитларда амалга ошириш имконини беради.

Мулоқотнинг бевосита муваффақиятининг шарти ўзаро таъсир этувчи кишиларнинг ҳар биридан кутилаётган ҳаракатларга мос келувчи хулқ - атвор намунасини қўлланишидадир. Кишининг бошқалар ундан нимани кутаётганини, нимани эшитишга ва ундан нимани кўришга тайёр эканлигини тўғри, аниқ, хатосиз кўчира олиш қобилияти такт деб аталади.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси кишилардан ташкил топганлигини унутмаслиги ҳар бир ўқувчи шахсини эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Боғланиш (лотинча бўлиб, “яқинлашиш” дегани) -мулоқотга кирувчилар ўртасида икки томонлама алоқа бўлишини тақозо этади. Бунга эришиш ва уни кўнгилдагидек ривожлантириш шарти муносабатга киришувчи шахсларнинг ўзаро бир-бирларига ҳурмати, ишончидан иборатдир. Педагог ўқув - тарбия иши жараёнида ўқувчилар билан алоқа боғларкан, улардан ўқитувчи ролининг ўзи тақозо этадиган даражада иззат -

икром кутади. Агар педагог ўз тарбияланувчиларига нисбатан ишонч ва хурмат билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча каттиққўл ва талабчан бўлган тақдирда ҳам, унинг энг арзимас танбеҳлари таъсирли бўлади.

Сўзлар киши онгининг бошқа фактлари каби моҳиятларнинг умумий тарзда қабул қилинган тизимидан ташқари алоҳида ҳар бир киши учун хос маълум даражадаги шахсиятга оид мазмун, қандайдир алоҳида аҳамият касб этади.

Демак, шахслараро можаролар ўз - ўзидан келиб чиқмас экан, балки шахсларнинг ўзаро келишмовчиликлари, маънавий англашилмовчиликлар, низолар, ишга доир, шахсий низолар натижасида келиб чиқар экан.

Биринчи тоифадаги мулоқот (фаолиятдан кўзланган мақсадга эришиш учун ахборот айирбошлаш, коммуникация ўрнатиш) билан бир қаторда иккинчи тоифадаги мулоқотнинг (ўзлигини бошқа кишиларда давом эттириш) мавжудлиги ҳар бир кишининг иккинчисига кўрсатадиган таъсирга эътиборни жалб қилади. Таълим - бу аввало ахборот жараёнидир. Ўқитувчи ўқувчига билимларни маълум қилади ва ўз навбатида тесқари алоқа тарзида ундан маълум қилинган билимлар қандай ўзлаштирилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган ахборот олади. Ўзаро биргаликдаги ҳаракат моҳиятлар даражасида амалга оширилади.

Педагог тарбия вазифаларини амалга ошираркан, ўқувчиларга кўрсатадиган таъсир тарбияланувчилар кўриб, эшитиб ва бажариб бораётган мазмунларнинг муайян даражада ўзгаришини ттақозо қилади. Педагог кўрсатадиган таъсирнинг турлича самара касб этиши замирида унинг шахсиятига оид хусусиятлар, унинг ўзини давом эттириш, ўзининг шахсиятига оид мазмунларни ёшларга ўтказа билиш қобилияти, унинг педагогик муносабати характери ва самарадорлиги акси мужассамлашгандир.

Мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро яқинлиги билан, бир-бирлари билан мулоқотдан қониқиш ҳосил қилганлигининг юксак даражаси, жавоб тариқасидаги ҳис-туйғулар ва афзалликнинг ўзаро тахмин қилиниши билан белгиланадиган ўзаро муносабатлар ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг

барқарор индивидуал-танлаш тизими сифатидаги дўстлик кишилар муносабатининг алоҳида шакли сифатида юз беради. Дўстликнинг ривожланиб бориши унинг ўзаро ҳамжиҳатликнинг зарурлигини, ошқоралик ва очиқликни, ишончни, ўзаро фаол ёрдамлашувни, самимийликни ва ҳис-туйғуларнинг беғаразлигини қарор топтирувчи ёзилмаган қонун - қоидага амал қилишини тақозо этади.

Дўстона мулоқот ўрнатиш ва дўст тутиниш муаммоси ўспиринлик ёшида айниқса долзарб масалага айланади. Педагогларнинг кузатишлари, ўспиринларнинг сир сақланадиган кундаликлари, уларнинг “Дўстлик ва муҳаббат тўғрисида”ги мавзуларда ўтказиладиган суҳбатларга қизиқишлари ана шундан далолат беради. Дўст орттиришга бўлган эҳтиёж ўспиринлик ёши учун хос хусусият ҳисобланади. Ўспирин одатда дўстона мулоқотнинг улчови ҳақида етарли даражада аниқ - равшан тасаввурга эга бўлмайди, бу ёшда у кўпроқ интиладиган алоҳида жуфтлашган ҳолда дўстлашувдан кўра кўпроқ ўз тенгдошлари билан кенгроқ маънодаги мулоқотга киришишни тақозо этадиган ўртоқлик анча кенг тарқалган бўлади.

Мулоқот иштироқчилари ўз онгида бир-бирларининг ички дунёсини қайта тиклашга, ҳис-туйғуларини, хулқ-атворининг сабабларини фаҳмлаб етишга ҳаракат қилади. Шахсга бошқа одамларнинг фақат ташқи қиёфаси, уларнинг феъл-атвори ва ҳатти-ҳаракатлари, улар кўлланадиган коммуникатив воситаларгина бевосита инъом этилган ва ана шу маълумотларга таянган ҳолда ўзи билан мулоқотга киришган одамларнинг кимлигини тушуниб етиш, уларнинг қобилиятлари, ниятлари кабилар ҳақида хулоса чиқара олиш учун муайян ишни бажаришига тўғри келади. Таниқли психолог С.Л.Рубинштейн шундай деб ёзган эди: “Кундалик ҳаётда одамлар билан мулоқотга киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-атвориغا қараб мўлжал оламиз. Негаки, биз уларнинг ташқи маълумотлари моҳиятини гуё “ўқиб”, яъни “мағзини чақиб” чиқамиз, шу йўсинда матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз. Бундай ўқиш наридан бери тез юз беради, чунки атрофдагилар билан мулоқот жараёнида

бизда муайян даражада уларнинг феъл-атвориға нисбатан автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади

Мулоқотнинг перцептив жиҳати - бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши демакдир.

Мулоқот жараёнида камида икки киши иштироқ этади. Кишининг қиёфаси, ҳатти - ҳаракати асосида суҳбатдош ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Бир-бирини идрок қилишда қуйидаги механизмлар ғоят муҳимдир:

- а) идентификация;
- б) рефлексия;
- в) каузал атрибуция;
- г) стереотипизация

Идентификация сўзининг маъноси лотинчадан олинган бўлиб, “тенглаштириш”, “айнан ўхшатиш”, бир кишининг иккинчи кишини унинг таърифини субъектнинг ўз таърифига англанган ёки англанмаган тарзда ўхшатилиши орқали тушуниш усулидир. Одамлар ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш вазиятларида бошқа кишини ўзининг ўрнига қўйиб кўришга уринган ҳолда унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, майллари ва ҳис-туйғулари ҳақида тахмин қиладилар. Масалан, август ойи кунларидан бирида университет қошида ҳаяжонланган ҳолда китобни варақлаётган абитуриентларни учратиб қолган талаба ўзининг абитуриентлик даврини эслайди, уларнинг руҳий ҳолатини ҳаёлан ўз бошидан кечира бошлайди.

Рефлексия – (лотинча акс эттириш) - ўз фикр ва кечинмаларини таҳлил қилиш ва мулоҳаза юритиш, яъни мулоқотга киришувчининг суҳбатдош уни қандай идрок этаётганлигини англаш. Кишини киши томонидан идрок қилишини иккиланган ойнадаги акс эттиришга ўхшатиш мумкин. Одам бошқа кишини акс эттирар экан, шу билан бирга ўзини ҳам акс эттиради, агар киши ўзи мулоқотга киришадиган кишилар ҳақида тўлиқ, илмий асосланган ахборотларга эга бўлса, улар билан беҳато аниқликда ўзаро таъсир ўрнатиши мумкин. Бироқ субъект ҳамма вақт бундай аниқ

маълумотга эга эмас. Шунинг учун у бошқалар ҳатти-ҳаракатининг сабабларини ўйлаб чиқишга мажбур бўлади. Бошқа кишининг ҳаракатларини тушунтириш учун фаолият мотивлари, ҳис-туйғулар, интилиш ва фикрлашнинг ўйлаб чиқарилиши каузал атрибуция деб аталади. Ўқитувчилар томонидан бола ҳаракатларининг шундай сабабини талқин қилиниши мактабдаги педагогик муомалани қийинлаштиради.

Педагогик мулоқотнинг 5 та босқичи бор. Булар қуйидагилардир:

1. Мулоқот жараёнида ориентировка(мўлжал олиш) қилиш. Бу босқичда педагог мулоқотининг анланганлиги юзага чиқади. Шунингдек, мулоқот услубини янги коммуникатив фаолият шароитида аниқлаш ҳам юзага чиқади. Ўз устида ишлашда педагогик мулоқотнинг қуйидаги босқичларига эътиборни қаратиш лозим:

– болада яхши таассурот қолдириш учун ташқи кўринишингиз ҳақида ўйланг;

– бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мулоқотнинг бу босқичини эътибордан четда қолдирманг;

– бошқалар билан мулоқотда кескин бурилишга йўл кўйманг;

– бугунги мулоқот кўнгилдагидек бўлмаса уни тузатишга ҳаракат қилинг;

– дарсда қарор қабул қилишда импровизация (вазиятни яратиш, реал ҳаётда бор нарсани кўрсатиб вазиятдан чиқиш) га ҳаракат қилинг;

– синф билан иш бошлашдан аввал фақат ўзингизнинг педагогик масалаларингиз ҳақида эмас, балки боланинг ҳолати, фаолиятга тайёрлиги ҳақида ўйланг.

2. Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати эътиборни ўзига торттириб бўлиб, бола билан самарали мулоқотни амалга ошириш учун дарс жараёнида боланинг диққати барқарор бўлиши керак. Ўзига жалб қилишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

– вербал мулоқотда бўлиш(нутқий);

– танаффус қилиш ;

- ҳаракатли(доскага ёзиш, кўргазмани осиш) ;
- аралаш усул (юқоридагиларни биргаликда қўллаш).

Дарсда кўпинча аралаш вариант усулидан фойдаланилади. Олимларнинг фикрича, 40% (юз ифодаси) ва имо-ишоралар орқали маърузада ахборот берилди.

3. Объектнинг (киши) калбини забт этиш босқичи педагогик мулоқотни ташкиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан бу босқич коммуникацияни ўзига хос излаш босқичидир. Масалан, янги материални баён этишда педагог болаларни мулоқотга тайёрлаб олади. Ўқитувчининг ўқувчини тушуниши касбий-педагогик мулоқотнинг калити ҳисобланади.

4. Педагогик мулоқотнинг яна бир босқичи бу вербал мулоқот, яъни ўқитувчининг янги материални ўқувчиларга оғзаки баён қилиб беришидир. Педагог учун нутқ мулоқоти жуда муҳим. Педагогик мулоқот тизимида педагогнинг сўзи образлар қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади.

5. Педагог билан тингловчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатда ҳаяжонланишни ўзатишнинг коммуникатив воситалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, педагогнинг нутқи жонли, оҳангларга бой, тушунарли, аниқ, содда тилда бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг идроки тўлиқ, образли бўлади.

Тарбиявий анъаналардаги “тўсиқ”-ота-оналар оиладаги илгариги тарбиявий таъсир усуллари қўллайдилар, болани руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олмайдилар. Улар ўзларининг малакаларини ошириш устида ишламайдилар. Натижада бола билан ўрталарида тўсиқ пайдо бўлади, бир-бирларини тушуна олмайдилар.

Бошқарув мулоқотининг Биринчи ”қонуни”га биноан, ходимларингиз ишга вақтида келиш, ишлаш, ишни муддатида тугатишни билиши керак. Тушуниш-бу ишни қабул қилиш дегани эмас. Ишни сиз кутганчалик бажарамаётган ходим тушунмаётганидан эмас, балки қабул қила олмаётганидан шундай бажаради. Муаммони ҳал қилишда ходимнинг бажарган ишига қарши бормасдан масалага тўғри ёндошиш керак. Амалий

тавсиялар бериш лозим. Чунки нима қилиб бўлса ҳам ходимни бу ишни бажаришга рози қилиш керак. Бу-иккинчи қоида. Биз кимнидир эҳтиёжини, талабини қондириш учун ишлашимиз мумкин. Бу ишга қизиқиш бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки бу иш раҳбарни қониқтириши мумкин. Раҳбар ишни топшираётганида ходимни қизиқтириши керак. Шахсий қизиқиш билан ишга доир қизиқиш бир-бирига мос келиши керак. Раҳбар ходимларининг психологик хусусиятларини яхши билиши жамоани ишини ривожланишига олиб келади. Ходимга иш беришдан аввал унинг шу ишга қобилиятини ҳисобга олиб, уни шу ишни бажаришга ишонтириб кейин топшириш керак.

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини шаклланишида шарқ алломалари қарашлари.

Оилада бола туғилиши билан оила аъзолари у билан мулоқотга киришишга ҳаракат қиладилар.

Ўтмишда тарбияда мулоқот маданияти алоҳида ўринда турди. Ҳар-бир қабила, элат ўзига хос мулоқот маданияти қонун-қоидаларини яратди, инсонийлик идеал мулоқот қонуниятининг асоси ҳисобланди. Ота-боболар мулоқот маданиятида Широқ, Тўмарис, Алпомиш, каби афсонавий қахрамонлар тасвирланган дostonлардан фойдаландилар, улар асосида ёшларни энг яхши анъаналар руҳида тарбияладилар.

VII асрда Арабистонда шаклланган ислом дини VIII асрга келиб Марказий Осиёда кенг ёйилди. Марказий Осиё Араблар томонидан босиб олинди. Марказий Осиёда араб давлати – халифалиги урнатилиб, “куръон“ қонун – қоидалари амалга оширила бошланди.

Ислом дунёвий дин сифатида вужудга келиши ва бошқа динлар урнини олиши тарихан ижобий рол уйнади. Чунки унда аввалги динларнинг ижобий хусусиятлари узифодасини топди. Чунончи, ислом ва унинг асосий китоби булмиш “куръон”да муомила маданияти, ахлоқ – одоб, иймон, инсонни улуғлаш, жамиятга хизмат қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ота – онага ҳурмат каби масалалар равшан акс этди. Исмоил ал – Бухорий, Имом Муслим ибн ал – Хажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн ат – Термизий, Абу Лайс Самарқандий.

Баховуддин Накшбандий, Ахмад Яссавий туплаган хадислар хам таълим – тарбия ҳамда мулоқот маданиятига мухим ахамият касб этди.

ВИИИ аср охири, IX аср бошида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм – фан ривожланди, юнон олимларидан Платон, Арестотель, Соқрат, Гиппократ, Гален, Евклид, қабиларнинг асарлари араб тилига тарджима этилди. Халифа Хорун ар–Рашид ўлимидан сўнг унинг ўғли ал – Маъмун халифа этиб тайинланди. У Бағдодда илмий Марказ – академия ташкил этиб, унга барча мусулмон улкаларининг фозилларини тўплади. Бу Марказда Мовараннахр, Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Марвозий, Марваруддий, Жавхарий каби олимлар Бахдод академиясининг жахонга машҳур қилишда жуда катта фаолият кўрсатдилар.

Ислом ва унинг ҳуқуқшунослик, хадисшунослик соҳалари ривожланди. Бу даврда Марказий Осиё жахон илм – фанининг, кишилиқ жамиятининг ривожига, шунингдек, ислом динининг ахлокий – ҳуқуқий тарбиядаги мавқиеига катта хисса кўшади. IX – XII асрлар давомида Марказий Осиё жахонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил Бухорий, Ат – Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Исмоил Журжоний, Маргилоний, Замахшарий, Махмуд кошқарий каби улкан олимларни такдим этди. Бу олимлар уз иждоғлари, асарлари билан ўз халқларининг, умуман, Марказий Осиёнинг шухратини оламга ёйдилар.

Ислом жахонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллох томонидан пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо салаллоху алайхи вассаламга нозил этилган – қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон ахлининг дунёкараши фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, хулқининг асоси булиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонлар уртасида юзага келадиган зиддият – низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат урнатиш каби ахлокий муаммолар ҳамда мулоқот маданиятига доир манбаалар ифодаданган.

Ислом Қуръони Каримдан кейин мўътабар саналган пайғамбаримиз

Мухаммад Алайхиссаломнинг “Хадиси” Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жихатдан баркамол бўлишдарини орзу қилиб ота – онага хурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро ахил бўлиш, меҳр – оқибат, эҳсон, сабр – тоқат, камтарлик, вафо – садокат, поклик каби инсоний сифатлар хақидаги насихатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Қуръони Каримда таъкидланишича, ота – она билан мулокатда бўладиган фарзанд беш нарсани билиши керак. Мулокат чоғида у:

- Ота – оналари каттиқ – курум гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб “уфф” демасликлари;
- Ота – онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;
- Ота – оналарига доимо эхтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;
- Ота – оналарига доимо раҳм – шафкат кўрсатиб, ўзларини уларнинг олдида камтар тутишлари;
- Аллохдан ота – оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Ота – оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганлиги учун эмас, балки уни одобли, хаёли, муомилали, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовардирлар. Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в.: “Киши ўз боласига одоб ва муомиладан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди” - дейдилар.³

Ислом дини илм талаб қилинишини ибодат даражасига кутаради, илм талабини ихтиёрий ибодатдан юкори қуяди. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Илм – улуғ хикмат, илм – иймон, эътиқод. Дин асосини, қуръоннинг мазмуни ва мохиятини билиш, англаш учун ҳам илмли муомилали бўлиш, уни мукамал эгаллаш керак. Пайғамбаримиз с.а.в. айтадиларки: “Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиккандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир”, қуръонда “эҳсон” сўзи “яхшилиқ” маъносида келган. Яъни Аллох сени инсон қилиб, ҳамма

³ Рахимжонов Н. Ёшлар иктисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли. 141-б.

аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган килиб яратди, энди сен ҳам шу эхсонлар эвазига унга имон келтиришинг, унгагина ибодат қилишинг лозим. IX – XIII асрлар давомида Марказий Осиё жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил Бухорий, Ат – Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғилоний, Замахшарий, Махмуд Қошғарий каби улкан олимларни такдим этди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан ўз халқларининг, умуман, Марказий Осиёнинг шухратини оламга ёйдилар.

Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва диншуносларнинг асарларида таълим – тарбия муомила маданияти ва ахлоқ – одобга оид педагогик фикрлар, ижтимоий тараккиёт учун муҳим бўлган инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятини улуғлаш, боланинг мулоқот маданиятини шакллантиришга, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилди. Бағдодда ташкил этилган “Байт ул – ҳикма” – Академиясининг энг нуфузли раҳбарларидан Мухаммад ибн Мусо ал – Хоразмий “Ал – жабр ва ал – муқобала”, “Астрономия жадвали”, “Хинд ҳисоботи ҳақида рисола”, “қуёш соати тугрисида рисола”, “Музыка ҳақида рисола” каби асрлар яратиб, дунёга машҳур бўлди.

Абу Наср Фаробий – ўрта аср Шарқнинг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. Фаробийнинг педагогик таълимотлари ўз даври учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Фаробийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш, тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ахлий ва ахлокий ҳислатларни – билимли бўлишга, тўғрилиқни ҳақиқатни севишга, бир-бирлари билан мулоқотда бўлганларида мулоқот маданиятига риоя қилишлари, жасур дўстларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интилмоғи лозим.

Олим таълим фақат сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ,

миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш – ҳаракат, касб – хунарга ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди.

Демак, Фаробий таълим ва тарбия беришни бир – биридан фарк қилади. Таълим сўз билан, бир нарсани уқтириш, ўрганиш билан амалга оширилади, ёшлар назарий билимларини шу таълим ёрдамида эгаллайдилар.

Тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш – ҳаракат, касб – хунарга, одоб орқали сингдирилади.

Таълим тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат – одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади.

Фаробий инсонни дунё таркиётининг энг муқаммал ва етук яқуни деб билади. Шунга қўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим тарбия усулларида кутилган мақсад асосий ўринда бўлишини айтади.

Абу Райхон Беруний жаҳон фанинг тараккиётига улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва заҳматқаш тадқиқотчи эди. У машҳур комусий олим сифатида тарих, астронимия, математика, география, фармакология каби илмларга оид 150 та асар ёзди.

Беруний маърифат ва билимдонлик даражаси, мулоқот маданияти кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати тўғрисида билдирган фикрига қўра, ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш, бунан сўнггина бир ҳулосага келиш керак дейди.

Ибн Сино бутун муслимон Шарқининг улкан комусий аҳли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намоёндаларидан биридир. Ибн Сино ўрта аср фанининг турли соҳалари – фалсафа, тиббиёт, табиатшунослик, бадий адабиёт буйича ёзган асарлари билан маданиятимиз тарихида учмас из қолдирди, унинг ривожига катта ҳисса қўшди, ўз даврида “Шайх – уррайс” (Олимлар раиси) унвони билан тақдирланди. Ибн Сино яхшиликка олиб боровчи ахлоқ қоидаларини эгаллаш, инсоннинг ахлоқий муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирлар орқали таълим тарбияни изчил

амалга ошириш мумкинлигини алоҳида кайд килади.

Ибн Сино ёш болаларни туғилгандан бошлаб тарбиялаш ва муомилага ўргатиш масаласига алоҳида эътибор беради. Бола туғилгандан бошлаб оёққа тургунча маълум тартибда тарбияланиб бориш лозим. Бола гапира бошлаганидан унга мулоқот сирлари ва маданиятидан сабоғ бермоқлик лозимлигини алоҳида таъкидлаган. Бола ўспиринликка ўтиш дарври тарбияси хақида алоҳида тўхталиб, бу даврда уларда хулқ атвор шаклланади ва муомила маданияти шаклланган даражада бўлади. Бола хулқ атворини, мулоқотининг бир хил мувозанатда бўлиши учун уни кескин ғазабланишдан, каттик кўрқувдан ва уйқусизликдан саклаш зарур.

Ибн Синонинг ёзишича, инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири – ўзининг ёмон ахлоқий хислатларини англаб, уларни йўқотишга интилишдир. Атрофдагилар билан сўзлашганда мулоқот маданиятига риоя қилишидир. Шунингдек унинг ахлоқий карашлари гўзаллик, нафосат хақидаги фикрлари билан ҳамохангдир. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, ҳақиқатдан ҳам мулоқот маданияти инсоннинг ахлоқий фазилатларидан ҳисобланади. Чунки мулоқот жараёнида бир жиҳатдан инсоннинг ташқи қиёфаси орқали унинг ички дунёси ҳам намоён бўлади. Инсоннинг муомала маданиятига қараб унинг ички олами ҳам намоён бўлади. Доно халқимизда бир пурмаъно нақл бор: ”Севдирадиган ҳам тил, бездирадиган ҳам тил”. Бу нақл бежизга айтилмайди. Зеро бир оғиз ширин сўз билан вайрон кўнгиллар обод бўлади. Шунингдек, бу фикрларга қўшимча қилган ҳолда халқимизда асрлар давомида тилдан – тилга ўтиб келган ва ўз тасдиғини топган мақоллардан келтириб ўтаемиз:

1. Бир оғиз ширин сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан мусулмон динидан қайтади.

2. Тилга эътибор, элга эътибор.

Мулоқот жараёнида кишилар ўзаро фикр алмашадилар ва ўзларининг бир жиҳатдан муомала маданияти орқали хулқ – атворларини ҳам намоён этадилар. Шунинг учун биз ёшлиқдан болаларимизда муомала маданиятини

тўғри шакллантиришимиз лозим .

2.БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

2.1.Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг маҳорати.

Моҳир ўқитувчининг, устознинг насиҳатларини, тарбиявий-ахлоқий сўзларини, унинг қалбини тўлқинлантирувчи дарсларини эсламаган ким бор. Алишер Навоийнинг устоз ҳақидаги сўзларини эсланг! «Мактабдор домла эса бир тўда болага илм-одоб ўргатади. Бунга нима етсин! Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳм идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда болалардан унинг ус-тознинг ҳаққи кўп: агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам, ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди».

Таълим ва тарбия асосан сўз, нутқ, мулоқот маданияти ёрдамида амалга ошади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг нутқига умуман маданий, касбий ва педагогик ва бошқа жуда кўплаб талаблар қўйилади. Нутқ асосан оғзаки ва ёзма нутқ турларига фарқланади.

Ўқитувчи нутқининг кўп қисмини оғзаки нутқ ташкил этади. Оғзаки нутқнинг вазифаси:

- а) ўқитувчи ва ўқувчи орасидага умумий мулоқотни амалга оширади;
- б) нутқ ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг онгига, истак ва мотивларига, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, агар зарур бўлса, уларнинг камчиликларини коррекциялашади, тўғрилашга хизмат қилади;
- в) таълим жараёнида олинган билимларни бутунлигача идрок этиш, билим ва тушунчаларнинг ўқувчи онгли равишда мустаҳкамланишига ёрдам беради;
- г) нутқ ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув ва амалий фаолиятларини самарадор тарзда ташкил этишга ёрдам беради.

Дарсда ўқитувчи мулоқот маданиятини қанчалик аҳамиятли эканлигини тушуниш учун 2 та ўқитувчи дарсининг кириш қисмини таҳлил қиламиз:

Биринчи ўқитувчи: «Бугун бизлар, сизлар билан ажойиб бир асар ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг «Қуш тили» достони ҳақида гаплашамиз. Фаридиддин Атторнинг шу номдаги гўзал асари ёш Алишерни 6 ёшлигида ҳаддан ташқари қизиқтирган бўлиб, унинг ёш калбини мафтун этган эди. Асар шоирга шунчалик таъсир этган эдики, у умрининг охирида шу мавзуга қайтиб, ўзига хос-бир шоҳ асарни яратди. Асарда асосий ғоя – бош вазифа: Оллоҳни излаш билан инсон ўзини, ўзлигини излаш машаққати тасвирланган. Яъни «ўзини билган одамгина Оллоҳни билади»- деб бекор айтилмаганлиги яна бир бор исбот этилади.

Иккинчи ўқитувчи: «Салом болалар. Дарс бошлавди, дарслик ва кераксиз китобларни ёпамиз, гап сўзлар тамом. Ҳамма менга кулоқ солсин. Бугун сизлар билан Алишер Навоийнинг «Қуш тили» достонини ўрганамиз. Ораларингизда шу асарни ўқиганлар борми? Бўлса, қўлини кўтарсин. Уч киши, жуда кам, бадий асарларни кам ўқийсизлар, бу ялқовлик белгисидир».

Биринчи ўқитувчи, ўқувчиларга асар ҳақида хиссий кўтаринкилик руҳида, кириш сўзи билан ўқувчиларнинг диққатини қамраб олади.

Ўқитувчининг нутқи, хис-туйғуси, юз қиёфаси шунчалик таъсирчан эдики, гўёки, у бу асарни биринчи марта гапириб бераётгандек эди. Ўқувчиларнинг ғовур-ғувури билан бошланган дарс, аста-секин синфнинг жимжитлигига айланди. Иккинчи ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотида ортиқча сўзлар кўп, расмий, бефарқ, ўқувчиларнинг диққатини ортиқча нарсаларга қаратади.

Шундай қилиб, биринчи ўқитувчининг нутқи «унумли» ҳисобланса, иккинчи ўқитувчининг нутқи «унумсиз» ҳисобланади.

Ўқитувчининг оғзаки нутқи икки хил турда: монологик ва диалогик нутқларга бўлинади. Монологик нутқ тури ўқитувчининг фаолиятида

қўлланилади. Унинг қуйидаги шакллари: ҳикоя, маъруза, изох, тушунтириш, баҳо бериш ва бошқалар мавжуд.

Диалогик нутқ шакллари: ҳар хил суҳбатларда, савол-жавобларда амалга ошади. Шунингдек, ўқитувчини бошланғич синф ўқувчилар билан синфдан ташқарида гаплашиши, саломлашиши ва бошқалар ҳам киради. Синфдан ташқари (ёки мактабдан ташқари шароитда) шароитда бошланғич синф ўқувчилар ўқитувчининг нутқига кўпроқ эътибор берадилар. Норасмий шароитда ўқитувчи ўзининг нутқига, хатти-ҳаракатига, фикрига жавобгарлик юқори бўлиши керак. Чунки, синфдан ташқари фаолият жараёнида ўқитувчининг хатти-ҳаракатини бошланғич синф ўқувчилари кўпинча намуна сифатида қабул қиладилар. Ўқитувчи мулоқот маданияти маълум педагогик вазифани бажариши ва маълум педагогик талабга жавоб бериши зарур. Булар қуйидагилар:

а) нутқнинг луғатий, грамматик ва бошқа жиҳатлардан тўғрилиги; яъни замонавий адабий тил меъёрларига риоя қилиши: акцентология, орфоэпик, грамматик ва бошқа жиҳатларига эътибор бериш;

б) нутқнинг ифодалилигига қўйиладиган талаб: нутқнинг ҳис-туйғуга бойлиги, ёрқинлиги, образлилиги, шираллиги.

Ўқитувчи нутқининг луғатий, маданий жиҳатдан софлиги ва тозаллиги, нутқда ортиқча сўзларнинг («Хўш», «Демак», «Энди» ... ва бошқалар) йўқлигига (ёки кам ишлатиш) эътибор бериш. Ўқитувчининг нутқида маҳаллий шеваларнинг кўплиги:

а) шевада гапириш нутқининг ёрқинлигани, идрок этишни бузади;

б) ўзбек тилида бир неча диалектларнинг (шеваларнинг) мавжудлиги. Ўқувчининг ягона адабий тил меъёрларига риоя қилиши жуда муҳим;

в) шунингдек, гапнинг эгаси, кесими ва бошқа таркибий қисмларини ўз ўрнида ишлатишга эътибор бериш зарур;

г) ўқитувчи ўз нутқида илмий терминларнинг маъносини бошланғич синф ўқувчиларга кенг ва содда шаклда баён этиши ўқитувчининг касбий маданиятини кўрсатади.

Ўқитувчи мулоқот маданиятининг асосий вазифалари қуйидагилар:

А) Билим ва малакаларни бошланғич синф ўқувчиларга тўла қонли равишда етказиб бера олиш. Ўқитувчи мулоқоти давомида бошланғич синф ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Фақат шундай ҳолдагина, берилаётган билимларни ўқувчилар томонидан идрок қилиш жараёни етарли даражада кечади. Яхши идрок этилган билимлар хотирада яхши сақланади.

Бир ёзувчи болалик давридаги ўқитувчисининг нутқини: «Унинг гаплари миямга миҳдек қоқилиб қолар эди» - деб эслайди.

Шунингдек, нутқ ёрдамида фақат билмилар берилмасдан, балки бу билимларга ҳиссий, ахлоқий қадриятлар тарзидаги муносабатларни ҳам тарбиялаш мумкин. Энг муҳими, бу билим ва тушунчаларни бошланғич синф ўқувчиларнинг қалбига жойлаштира олашдир.

Б) Яна бир вазифа ўқув фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш:

Ўқитувчининг мулоқот маданияти бошланғич синф ўқувчиси идрок эта оладиган даражада аниқ (конкрет) ва кўрсатмали, образли бўлиши ва бошланғич синф ўқувчининг хотирасини, фикрлаш қобилиятини ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Мулоқотнинг мазмуни ва маъноси мазмуни ўзига хос томонлари, мантиқ, бошланғич синф ўқувчиларнинг идрок этиш темпи ва ритминини ҳисобга олиб тузилади. Олиб борилган психологик-педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нутқда мантиқий урғуни нотўғри қўйиш, талаффуз камчиликлари, шева сўзларини ишлатиш натижасида бошланғич синф ўқувчилар берилаётган маълумотларнинг 39,0% ни умуман қабул қилмас эканлар. 11% ўқувчилар эса маълумотларни қисман, ва 47% билимларнинг фақат бошланғич қисминигина қабул қилганлар.

Юқорида кўрсатилганидек, дарс жараёнида ўқитувчининг ортиқча сўзлари («Жим ўтир», «китобни ёп», «ручкани кўй» ва ҳоказолар) ҳам берилаётган маълумотларнинг сифатига ва миқдорига салбий таъсир этади, материалларни идрок этишни қийинлаштиради.

Ўқитувчининг мулоқотида, хатти-ҳаракатларида бошланғич синф ўқувчилар шахсига нисбатан ҳурмат, аммо етарли даражада талабчанлик, озгина ҳазил, аммо ҳаммаси одоб доирасида, тушунарли ва содда тилда бўлиши дарс самарадорлигини оширади.

В) Педагог нутқига қўйиладиган вазифанинг яна бир томони, ўқитувчи ва бошланғич синф ўқувчиси орасидаги ўзаро муносабатларнинг маҳсулдорлиги самарадорлигидир.

Ўзаро муносабатларнинг ҳамма томони, саломлашишдан бошлаб жазо чораларигача, ўқитувчининг талаб ва хоҳишлари, ўзини тутиши, нутқ оҳанги, жарангдорлиги, юз қиёфаси ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг бошланғич синф ўқувчилар билан ўзаро муносабат шаклли уч хил тарзда амалга ошади:

1. Авторитор шаклдаги муносабатларда ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларни қатғиқ қўллик билан, айтганда, ўқитувчи баъзи бир бошланғич синф ўқувчиларни «синдириб» қўйяди.

2. Либерал шаклдаги бошқаришда эса, ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Синфни ўқитувчи эмас, бошланғич синф ўқувчилар ўз истаганларича, билганларича бошқарадилар. Бундай синфда тартиб интизом бўлмайди.

3. Ўқитувчининг бошланғич синф ўқувчиларга деморатик шаклдаги муносабатида у ўқувчиларга ишонч билдиради. Шахс сифатида уларни ҳурмат қилади, аммо талабчанликни сусайтирмайди.

Ўқитувчи вазиятга қараб жиддий, хушчақчақ, ғамгин, мулойим, талабчан бўлиши керак. Аммо, зарур вақтда хис-туйғусини яшира олиши, зарур вақтда вазиятга мос (адекват) жавоб қайтариши ўқитувчига хос ижобий сифатлардандир.

Ўқитувчи ҳайкалтарошга ўхшаб лойдан нима ясабини олдиндан билганидек, ўз мулоқот маданиятини олдиндан режалаштиради. Ўқитувчи ўз мулоқоти билан бошланғич синф ўқувчисини ишонтира олади, бунинг учун у ўқувчиларнинг онгига, хис-туйғусига, виждонига мурожат қилади.

Уларни биргаликда ўйлашга, изланишга даъват қилади. Масалан: «Келинлар биргаликда бир ўйлаб кўрайлик», «ўзингиз бир тасаввур қилинг» ва ҳоказо.

Ўқитувчи ҳар бир бошланғич синф ўқувчисига гапирадиган гапини олдиндан режалаштиради. Масалан: кимнидир рағбарлантириш, кимгадир танбех бериш, кимгадир мулойим овоз билан кимгадир юқорирок овозда гапиришни билиши, синфни бошқаришни енгиллиштириш. Баъзан, ўқитувчи тасодифан таёрланмасдан дарс ўтишга тўғри келади. Бундай вақтларда – ўқитувчидан, ўз нутқи, гап-сўзларига эҳтиёт бўлиш талаб қилнади. Акс ҳолда, таълим-тарбияга хос бўлмаган вазият юз бериши мумкин.

Ўқитувчиларнинг ўз нутқи малакаларини оширишларининг бир неча йўналишлари мавжуд:

1. Ҳар қандай вазиятда бўлмасин, дарсдами, дарсдан ташқари шароитдами адабий тил меъёрларига қатъий риоя қилиш лозим. Ўзининг мулоқот маданиятини тинмасдан шакллантириб бориши керак.

2. Ифодали нутқ малакасини шакллантириш устида тинмасдан ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилишни ўрганиш. Кўпчиликнинг оддига чиқиб гапириш малакасининг эгаллаш учун доимо машқ қилиб туриш. Нутқнинг оҳанги, баланд пастлиги, ширалиги, ритмига эътибор бериш. Тез, секин, баланд овозда гапириб кўриб, одамларга қандай таъсир этаётганлигини кузатиш.

3. Мулоқот жараёнида коммуникатив малакаларингизни ўстириш.

Ўқитувчида қуйидаги махсус мулоқот қобилияти бўлиши керак:

1. Ижтимоий-перцептив қобилият: шерик, ҳамсуҳбатнинг ички кайфиятини, ҳолатини сеза олиш.

2. Ўзини хаёлан ҳамсуҳбатининг ўрнига кўя олиш (рефлексия) қобилияти. Шунингдек, ҳамсуҳбат, ўқувчининг бизнинг нутқимизга нисбатан берадиган жавоб реакциясини олдиндан кўра олиш.

3. Ўз-ўзини бошқара олиш қобилияти.

4. Мулоқот жараёнида ўзининг асабини ва рухий ҳолатини бошқара

олиш.

5. Мулоқот жараёнида ўқувчиларни ишонтириш билан уларга таъсир этиш.

6. Ўқитувчи ўзи гапираётган нарсалар ва ҳодисаларни кўз олдига келтира олиш.

2.2. Мулоқот маданиятини шакллантиришда предмет фанларнинг ўрни

Ташаббускор – илғор ўқитувчилар дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида мулоқот маданиятининг самарадор кечишини таъминлаш учун кўйидаги шартларни таклиф этадилар:

1. Бошланғич синф ўқувчиларини тўғараклар ва дарсларда жойлаштиришнинг аҳамияти. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларни ноанъанавий жойлаштиришнинг аҳамияти ҳақида гапирилмоқда.

Бунинг бир неча услублари мавжуд бўлиб:

а) бошланғич синф ўқувчиларни «думалоқ стол» атрофида ўтказиш: бундай усулда ўқувчиларни ўтказиб мунозара, муҳокама ва савол жавоблар тарзидаги дарсларни ташкил этиш мумкин. Бошланғич синф ўқувчилари бундай дарсларда ўқитувчи билан ўзларини тенг «ҳолатда» сезадилар. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилар бир-бирларига қараб юзма-юз ўтирганлари учун бир-бирларининг ички-кечинмаларидан хабардор бўлиб турадилар;

б) «Ярим ой» ёки «П» шаклида бошланғич синф ўқувчиларини жойлаштиришнинг афзаллик томони шундаки, ўртадаги, майдондаги ролли ўйинлар, психотренинг ўйинлари ва бошқа машқлар бажариш мумкин.

в) Уч бурчак, квадрат, тўғри тўрт бурчак шаклида бошланғич синф ўқувчиларни жойлаштиришнинг ҳам қулай томонлари мавжуд. Бундай ҳолларда ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларидан ажралиб қолмасдан, балки улар билан тенг ҳолатда ўтирадилар ва юзма-юз ўтириш ўзаро мулоқот маданияти ва муносабатларни енгиллаштиради.

2. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчилари билан демократик шаклда иш олиб боровчи ва таълимга илғор услубларни тарғиб этаётган ўқитувчининг фикрича, дарсда ўқитувчи ва бошланғич синф ўқувчилари орасида ҳамкордик ва ишонч бўлиши керак. Ўзаро муносабатларда, ўзаро изланишга ҳамкорлик, бошланғич синф ўқувчисини дарсга интилиши, дарсдан хурсандилик ва қониқишига сабаб бўлади.

3. Бошланғич синф ўқувчининг таълим олиши, ўқиши мажбурий бўлмасдан, балки ўз қизиқиши ва интилиши билан амалга оширилиши керак.

4. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларига ўтиладиган мавзу эмас, балки бу кунги мавзунини эртага ўтиладиган мавзулар билан ҳам боғлаш, бошланғич синф ўқувчиларнинг эртага ўтиладиган мавзуга қизиқишларини оширади ва дарсда ўтиладиган мавзунини ўқиб келишларига йўналтиради. Натижада ўқитувчининг бир дарсда бир неча мавзуларни ўтиб, бошланғич синф ўқувчиларига «тезлаштириб таълим бериш», «режадан ошириб ўқитиш», каби усуллардан фойдаланиши мумкин. Бу метод айниқса, қобилиятли, иқтидорли бошланғич синф ўқувчиларни ўқитишда жуда қўл келади.

Дарсда «таянч белгилардан фойдаланиш»нинг қулай томони шундаки:

а) бошланғич синф ўқувчиларга уйга вазифа берилган вазифани матн шаклида ёзиш эҳтиёжи қолмайди;

б) бошланғич синф ўқувчисини матнни бир неча марта ўқиб унинг асл мазмунини ва моҳиятини тушунгандан сўнг шу матндаги энг асосий тушунча ва таянч сўзларни топиб дафтарга турли чизмалар

шаклида ёзади. (Истаса, алоҳида қоғозларда чизма, расм, жадвал шаклида ёзиши мумкин);

в) бошланғич синф ўқувчилари матни бир неча марта ўқиб, чиқишлари, матндаги муҳим тушунча ва сўзларни топишга ўрганши билан матннинг мазмунини чуқур ўрганадилар. Таянча белгилари тарзида ёзиш эса билимларнинг бошланғич синф ўқувчилар тасаввурда ҳам шаклланишига, хотирасида мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

6. Билимларни катта бўлак ва қисмларга бўлиб ўқитишнинг афзаллик томонлари:

а) ҳар қандай энг асосий бўлган бир неча катта қисмлар бўлаклардан иборат бўлиб, шу қисмлар, айнан шу фаннинг асосий мазмунини ташкил этади. Агар ўқитувчи бошланғич синф ўқувчисига шу фаннинг муҳим қисмлари ва унинг мазмуни ҳақида қисқа ва аниқ маълумотни етарли даражада бера олса, бошланғич синф ўқувчисига фан ҳақида бир бутун тушунча пайдо бўлади. Ишонч, яхлит билимларни тўлиқ қабул қилишга ва бу яхлит билимларни эса сақлаш ва эса туширишга имкон яратади. Масалан: «Она тили», «Математика» дарсларида.

Агар борди-ю, шу қисмларни қисқа ва тушунарли ҳолда бошланғич синф ўқувчиси ўзлаштирмасдан, майда бўлакларга бўлиб берилса, қанчалик кўп билмилар берилмасин, берилган билимлар тарқоқ ва ўзаро боғланмаганлигича қолади.

7. Бошланғич синф ўқувчиларни дарс ўтиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.

Бошланғич синф ўқувчиларга қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш учун мавзулар тақсимлаб берилади.

Синфда «бу ўқитувчилар» дарс ўтгандан сўнг тенгдошларининг билмиларини баҳолашда бошланғич синф ўқувчилари ўқитувчиларига нисбатан одилроқ бўлишар экан. Ўқитувчи сифатида дарс ўтиши бошланғич синф ўқувчиларига ўзига ишонч ва мустақиллик беради.

Уларнинг бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданияти яхшиланади. Кейинги йилларда дарс жараёнига, бошланғич синфларда назарий билмиларни маъруза шаклида бериш ҳақида танқидий фикрлар билдирилмоқда, ҳатто коллеж ва олий мактабларда ҳам берилаётган билим тажрибаларнинг фақат 10%ини маъруза тарзида бериб, қолган қисми амалий, семинар ва мустақил таълим сифатида бериш тавсия этилмоқда. Ай-ниқса, мустақил таълим беришнинг, яъни ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари ва изланишлари, билмиларни ўзлаштиришни енгиллаштиради, ўқувчиларнинг билиш фао-лиятларини ривожлантиради.

Инсоннинг табиати шундайки, у атрофдагилар билан мулоқотда бўлмасдан яшай олмайди. Бола туғилганда унинг онаси ўзининг меҳрини мулоқот орқали беради. Катталар томонидан бўладиган тўғри мулоқот чақалоқда мулоқотга бўлган эҳтиёжни шакллантиради. Боланинг мулоқоти реактив (пассив) ёки актив (фаол) шаклда бўлади.

Ўйин орқали болаларда сезги, идрок, хотира, фикрлаш, фантазия каби руҳий жараёнлар, шунингдек, ҳарактер ҳислатлари, қобилият турлари, темперамент (мижоз) типлари ривожланади. Болаларнинг нутқини, мулоқотини ривожлантиришда катталар муҳим рол ўйнайдилар. Чунки болалар ҳали мустақил ҳаракат қила олмайди, онги яхши ривожланмаган. Боланинг онгини ўстириш мулоқот маданиятини шакллантиришда ўйинчоқлар ва ўйин турларидан кўпроқ фойдаланиш яхши натижа беради.

Бошланғич синф ўқувчиларда ўйин фаолияти ўзига хос ҳарактерга эга. Улар кўпроқ ҳаракатли, спорт ҳарактеридаги ўйинларни ўйнайдилар. Ўйин орқали ўқувчилар бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар.

Бошланғич синф ўқувчилари энди ўзлари мустақил ҳаракат қила оладилар. Ўзлари ювинадилар, қийинадилар. Лекин барибир улар ота-оналарининг эркалалашларига, диққат-эътиборида бўлишга ҳаракат қиладилар. Ота-оналар бола тарбиясида қуйидаги усуллардан фойдаланадилар:

1. Авторитар услуб - бошқариш қаттиқ қўллик асосида олиб борилади. Боладаги ташаббус ота-оналар томонидан таъқиқланади. Ҳар бир ҳатти-

харакати албатта жазоланади. Бу усул орқали тарбияланган болалар кўрқоқ, журъатсиз бўлиб қоладилар, ўз имкониятларини юзага чиқара олмайдилар. Чунки ота-она унга шароит яратиб бермайди.

2. Либерал услуб - бу усулда ота-она фарзандига бефарқ бўлади, у нимага қизиқади, нимага лаёқати борлигига қизиқмайди. Бола нима ёмон, нима яхшилигини била олмайди. Натижада болалар мустақил ва фаол ҳаракат қила олмайдилар.

3. Демократик услуб - тарбиянинг маҳсулдор усули бўлиб, унда ота-она фарзандига бор меҳрини бериб, унинг қизиқишлари, имкониятлари билан ҳисоблашади. Боланинг эркин фикрлашини истади. Бу усул болани тўғри тарбиялаш имконини беради.

Айрим оилаларда бола ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-она унга барча меҳрларини бериб, уни эркалитиб, худбин қилиб қўйишлари мумкин. Ёки бола укалари туғилганда ҳам ўзини ёмон ҳис қилади. Чунки ота-она энди кичик фарзандига кўпроқ эътибор беради. Бундай ҳолатларда катталар болага у энди мустақил иш қила олиши, ақллигини тушунтирсалар, шунда у кичик укаларига нисбатан меҳрли бўлади.

Ўқитувчи синфга янги бола келиб қўшилганида бошқа болаларга у билан илиқ муносабатда бўлишларини тушунтириши лозим. Унга кўпроқ эътибор бериш, яхши муомалада бўлиш керак, шунда бола янги муҳитга тезроқ кўникади. Агар ўқитувчи янги келган болаларга машғулотлар давомида яхши мулоқотда бўлса, қолган болалар ундан ўрганадилар. Ўқитувчи болалар билан дўст сифатида муносабатда бўлса, бундай синф уюшган бўлади, бир-бирлари билан илиқ муносабатда бўлишни ўрганадилар.

Бошланғич синф ўқувчилар тафаккурини ўстирмай туриб, уларнинг нутқини ўстириб бўлмайди. Оғзаки гапириш, баён ёки иншо ёзишда ўқувчиларнинг режа тузиб олишларига эътибор бериш керак. Ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш учун китоб устида мунтазам ишлаш, ўқиган матнларнинг тезисини, конспектини тузиш, маъруза, рефератлар тайёрлаш, адабий кечалар, ёзувчилар билан учрашиш муҳим аҳамиятга эга. Нутқ шартли

рефлекслар пайдо бўлишининг умумий қонунлари асосида ўсади. Агар киши бирор бир товушни нотўғри талаффуз қилишга ўрганиб қолган бўлса, унда бу камчиликларни тугатиш қийин бўлади. Шунинг учун болаларда ёшлигиданок ижобий нутқ одатларини тарбиялашга аҳамият бериш зарур.

Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири-бу мулоқотга бўлган эҳтиёж. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, баъзи ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ва хорижда мулоқот муаммосига қизиқиш ортиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг бир-бирлари билан қиладиган мулоқоти катта аҳамиятга эга. Атоқли психолог олимлардан яна бири В.Н.Мясиҳев мулоқот масаласига чуқур ёндошган, уни ўрганган. Бошқа олимлар мулоқотни нутқ коммуникацияси билан боғлаб ўрганган бўлсалар, В.Н. Мясиҳев мулоқотни жараён сифатида ўрганган. Яъни шахсларнинг бир-бирига мулоқот орқали таъсир кўрсатишларини, бир-бирларини идрок қилиш объекти сифатида таҳлил қилади. Унинг фикрича:”Шахс турлича муносабатларда қарама-қарши сифатларни намоён қилиши мумкин, ”

Мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шаклларини қўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини холисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача эътиборни қаратиб, ўртоқларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма жамиятнинг янгилавиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

2.3 Бошланғич синф ўқувчиларида одобнома фанларини ўқитиш жараёнида мулоқот маданиятини шакллантириш усуллари

Бошланғич синфларда мулоқот маданиятини ўрганишда катта эътибор берилмаган И-ИИ синф дарсликларида мулоқот маданияти ҳақида ҳам маълумот тополмадик. 3-синф одобнома дарслигида алломанинг “Донолар одоб ахлоқ дўстлик” ҳақида фикрларидан 1 соатга мўлжаллаб материал келтирилган. Бу мавзу орқали ўқувчилар мулоқот маданияти ҳақида деярли маълумотга эга бўлмасаларда, лекин унинг ўқув, идрок, билим ҳақидаги фикрларидан бахраманд бўладилар. Айниқса мавзуда келтирилган “Одобни одобсиздан ўрган” хикматли сўзи ўқувчиларни ёшлиқдан бошлаб билимларни чуқур ва пухта эгаллашга ундайди.

IV синф одобнома дарслигига келадиган бўлсак “Хушмуомилалик” мавзусига бир соатга мўлжалланган материал берилган.

“Хушмуомилалик” деб номланган мавзуда хушмуомилалик ҳақида донолар фикрлар, ҳикматли сўзлари, мулоқот жараёнида ўзларини муносабатлари ҳақида жуда кўплаб маълумотлар беради. Мавзуда билим эгаллаш, инсоф, ақиллилик, олижаноблик, кўркам феъллик, мулойимлик, меҳр-шафқатлилик, фидойилик ҳақида тушунчалар берилган. Бу тушунча ва ғоялар ўқувчиларда дунёқарашни, хушмуомилаликни шакллантиради. Шунинг учун биз 15-умумтаълим мактабининг 4-“Б” синфда “Одобнома” дарсларидаги “Хушмуомилалик” мавзуси асосида икки соат дарс ўтказдик. Дарсларни олиб боришда қуйидаги дарс ишланмадан фойдаланиб бордик. Дарсни 15-умумтаълим бошланғич синф ўқитувчиси Ситора Маҳмудова олиб бордилар.

Дарс мавзуси: “Хушмуомилалик”

Мақсад: Ўқувчиларга хушмуомилалик, мулоқот маданияти ҳақида маълумот бериш ҳамда уларда кундалик ҳётимизда фойдаланиш ҳақида тушунчаларни ҳосил қилиш.

Жиҳози: “Одобнома” китоби, дидактик ишланмалар.

Дарс ўқитувчининг кириш сўзидан бошланди. Ўқитувчи ўз сўзида хушмуомилалик, хушфеъллик аллома ҳақида, батафсил маълумот берди:

“Хушмуомилалик” инсоннинг зийнати ҳисобланади. Биз ундан кундалик ҳаётимизда фойдаланамиз.

Дарс куйидаги режа асосида олиб борилди.

1. Хушмуомилалик ҳақида қисқача тушунча.
 2. Хушфеъл инсон хусусиятлари.
 3. Қўполлик ва унинг оқибатлари нимага олиб келиши
 4. Аҳмад Яссавийнинг сўзларигқ амал қилиш
 5. “Суннат эрмиш --- кофир бўлса берма озор
Кўнгли қаттиқ долизордан худо безор”
 6. Доноларнинг ҳикматли сўзлари
- Мисраларнинг мазмунини айтиб беринг.

Ўқитувчи хушмуомилалик унинг белгилари ҳақида тушунча берди ва хушмуомилаликнинг ўнта белгиси ҳақида батафсил тўхталди.

Хушмуомилаликнинг ўнта белгиси ва унинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўпчилик олдида ўзини тута олган, кайфиятини ёмонлигини бўлганда ҳам билдирмаган, ақл-мулоҳаза билан иш кўрадиган инсонлар ҳақида ҳаётий мисоллар билан келтириб ўтди.

Қўпол муомила эса одобсизлик белгиси, у инсон қадрини пасайтириб, обрў ва эътибордан маҳрум этади.

Китобда “Азиз боолажонлар!” рукни остида мулойимлик, боболаримиз фикрлари келтирилган.

“Яхши сўз ҳам ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади”.

Ана энди ўзинг айтгин-чи, сизнинг табиатингга мулойиммисиз ёки кўпол? Сиз ўз шахсинга мақтов истайсизми ёки сўкиш-қарғишми?

Ўқитувчи юқорида келтирилган фикрни давом эттириб Зумрад ва киммат эртагини таҳлил қилиб унинг салбий ва ижобий ҳислатларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Ўқитувчи ўқувчиларга доскада ёзилган тушунчаларга қисқа-қиска изох бергач, қуйидаги суҳбатни ўтказади:

- Ўқитувчи: мулойимлик қанақа бўлади?

- Ўқувчи - Зафар: Ўқувчиларга мулойимлик ҳақида тушунча бериб, уни эгаллаш ва ахлоқ қоидалари унга риоя қилииш ҳақида фикр билдиради. Ўқитувчи ўқувчи сўзларини тушунтириб, ўқувчиларга инсон энг аввало ўзи учун лозим бўлган вазифаларни адо этиши ҳақида маълумот беради. Булар: саломатлик, ораста юриш, вақтида овқатланиш, ёмон ёмон ишлардан сақланишнинг таълим-тарбиявий аҳамияти ҳақида изох беради.

- Ўқитувчи: Ваатан халқ олдидаги бурчни адо этиш деганда нимани тушунасиз?

- Ўқувчи – Карим: Ватан муқаддасдир унинг ҳар қарич тупроғини асраб-авайлашимиз ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ватан олдида ҳаммамиз бош эгамиз.

Ўқитувчи ўқувчи жавобини тўлдириб , “ватан” остонадан бошланади. Ватан - бу оиламиз, онамиздир. Онамизга қандай муомилада бўлсак биз ватанимизга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз даркор.

Юқоридаги суҳбатдан сўнг ўқитувчи ўқувчилар билан қуйидаги метод воситалар асосида иш олиб боради. Бунда у қуйидаги саволларни ўқувчиларга беради:

- Ўқитувчи: Ҳушмуомилалик ва кўполлик ҳақида нима биласизлар?

Бир нечта ўқувчилар бу саволга жавоб бериш учун қўл кутардилар.

- Ўқувчи – Анора: Ҳушмуомилалик инсон зийнати, унинг одоби ва мулоқотидир.

- Ўқитувчи: Тўғри : Мулоқот нима ўзи-у?

- Ўқувчи – Сардор: - Яхши сўз.
- Ўқувчи – Нилуфар: -Яхши гап.
- Ўқувчи – Шавкат: - Ибратли иш.

Яъна бир неча ўқувчилар “Агар шоир бўлса, ундан яхши шеърлар, расом бўлса яхши расмлар, лойихачи бўлса яхши бинолар, хушфеъл ва муомилалик бўлсанг яхши ном қолади, деб жавоб берадилар.”

Ўқитувчи ўқувчилар фикрларини ривожлантиради: Аҳмад Яссавийнинг куйидаги ҳикматли сўзларини келтириб ўтади.

“Суннат эрмиш --- кофир бўлса берма озор

Кўнгли қаттиқ долизордан худо безор”

Бу ҳақида нима дейсизлар

Ўқувчилардан бир нечтаси ўқитувчи саволига куйидаги жавобларни қайтаради:

- Отабек: Ёмон одам бўлса ҳам дилга озор берма.

- Махлиё: Кўнгли ёмон одамни ҳамма ёмон кўради.

- Қахрамон: Кўнгли ёмон ҳамми дилига озор берадиган инсонларда худо ҳам безор экан.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, Аҳмад яссавийнинг ҳикматли сўзини изоҳлаб унинг мазмунини тушунтирди.

Ўқитувчи ҳушмуомилалик ҳақида донолар фикрини келтириб ўтади.

Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,

Орттирар обрўсин албатта ўзи

Ушбу ҳикматли сўзда нима демоқчи, яхши сўзли инсонни ҳамма ҳар доим улуғлаб ёқтиради.

Барча ерда истасанг, ўтсин сўзинг,

Яхшилик бирла қуроллантир ўзинг

Ўқитувчи хикматли сўзни изоҳлаб, ўқувчиларга ҳамма жойга борганида гапингизни ўтишини истасангиз, яхши сўзни кўпроқ ишлантинг.

Ўқитувчи дарс жараёнида хикматли сўз савол-жавоб орқали ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қилади. Дарс охирида мавзу ҳақида топшириқлар ва саволларга жавоб бериш вазифасини беради.

1.Саволлар: 1.Хушмуомилалик нима?

2.Хушфеъл инсон қандай хусусиятларга эга бўлади?

3. Кўполлик ва унинг оқибатлари нималарга олиб келади?

Топшириқлар

1.Хушмуомалаликка доир мақолларни тўпланг, уларни ёд олинг.

2.Оилада ака-ука, опа-синглиларингиз билан сизлашиб гаплашасизми?

3.Сизлашишингиз хосияти нимада деб ўйлайсиз?

4.Қайси ўзбек адибларининг асарларидан мисоллар келтира оласиз?
(агар қийналсангиз ўқитувчингиздан ёрдам сўранг.)

Хулоса.

Ўқувчилар савол ва топшириқларни уй вазифаси дафтарида ёзиб оладилар.

Шундай қилиб 4-синф “Одобнома”даги “Хушмуомилалик” мавзуси берилган. Мавзу 1 соатга мўлжалланган эди. Бу мавзуга бағишланган дарслар ўқувчилар онгига Аҳмад Яссавий, хикматли сўзлари, донолар хикматли гаплари унинг педогогик-дидактик характердаги қимматли сўзнинг моҳияти, мақсад ва вазифаси ҳақида билим, малака, кўникма ҳосил қилишга қаратилган эди. Хушмуомилалик, мулойимлик, хушфеъллик бўлишлари асосида, кўшимча материаллардан фойдаланиб алоҳида дарс ишланмаси асосида дарслар ўтказдик. Синов тажриба ишимизнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларини мулоқот маданиятини шакллантириш ҳисобланади. Олинган натижаларни таққослаш учун 4-“А” синфи назорат синфи қилиб белгиланди.

4-“А” синфдаги дарсни мактаб ўқитувчининг ўзи олиб боради. 4-“А” синфда ҳам 40та ўқувчи мавжуд эди. Ҳар икки синфда ўқувчиларнинг билим ва малака даражаларини аниқлаб чиқилди.

Қуйидаги жадвалда ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш берилган

№1

	Синфлар	Ўқувчи сони	Билим даражаси			
			“5”	“4”	“3”	“2”
1.	4-“Б” --- синов-тажриба синфи	40	8	21	1	-
2.	4-“А” --- назорат синифи	40	6	23	1	-

Ҳар икки синф ўқувчиларига бир хил саволлар берилди.

- Хушмуомилалик нима?
- Қўполлик нима?
- Мулойимлик ҳақида қандай хикматли сўзлар айта оласиз?
- Хушмуомилаликнинг ўнта белгисини санаб беринг?
- Мулойим ва манманлик нима?

Берилган сўроқларга асосан 4-“Б” синов-тажриба синфи ўқувчиларига пухта билим берилган эди. Назорат синфи ҳисобланган 4-“А” синф ўқувчиларига эса китобдаги дарс матнларидаги сўзлар тушунтирилган эди.

Ҳар икки 4-“А” синф ўқувчиларига бир хилда тузилган юқоридаги сўроқлар берилганда уларнинг жавоблари турлича бўлиб чиқди. Сўроқларга олинган жавобларга қўйилган баҳолар уларнинг билим, кўникма ва малакаларининг мезонини белгилайди.

№	Савол Ҳушмуомилалик нима?							
	4-“Б”---синов-тажриба синфи				4-“А”---назорат синфи			
Жами	Ўқувчилар олган баҳолари				Ўқувчилар олган баҳолари			
40	“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”
40	20	8	12	-	9	8	23	-
	Савол Қўполлик нима?							
40	“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”
40	22	8	10	-	8	9	23	-

2-чизмадан маълумки тажриба-синов ўтказилган 4-“Б” синф ўқувчилари, назорат 4-“А” ўқувчиларига нисбатан Ҳушмуомилаликнинг мазмунини тўғри ва пухта англаганлар.

4-“А” синф ўқувчилари “Одобнома” китобида берилган мавзу матнларини юзаки ўзлаштирганлар. Масалан: “Ҳушмуомалалик нима?” саволига 4-“А” синф ўқувчиларидан 9таси “Ҳушмуомилалик бу инсоннинг гўзал фазилати” деб тушунганлар. Уларнинг бу жавоблари “5” баҳо билан боҳоланди. Шу ўқувчилардан 8 тасига “4” баҳо, 23тасига “3” баҳо қўйилди. Бу саволга тажриба-синов ўтказилган 4-“Б” синф ўқувчиларидан 20 таси “5” баҳога, 8 таси “4”, 12таси “3” баҳога жавоб бердилар.

“Қўполлик нима?” деган саволга 4-“Б” синф ўқувчиларидан 22таси “5”, 8таси “4”, 10таси “3” баҳо олган бўлса, назорат синфи 4-“А” синф ўқувчиларидан 6таси “5”, 8 таси “4”, 23таси “3” баҳо олганлар.

- Худди шу каби “Ҳушмуомилаликнинг ўнта белгисини санаб беринг?”, “Мулойим ва манманлик нима?” каби саволларга ҳам 4-“Б” синф

Ўқувчилари 4-“А”синф ўқувчиларига нисбатан берган жавоблари учун юқори баҳо олганлар. Доноларнинг “Мулойимлик ҳақида қандай хикматли сўзлар айта оласиз?” деган саволга ҳам 4-“Б” синф ўқувчилари тўғри жавоб беришди. 4-“А” синф ўқувчилари деган саволга аниқ жавоб бера олмадилар.

- Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини шакллантиришга доир ишлар ўқувчилар онгига ўқиш дарслари, синфдан ташқари ўқиш машғулоти ва тарбиявий тадбирлар жараёнида янада ривожлантирилади.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.

Ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, ҳатто нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнининг маҳсулидир. Ҳар қандай мулоқотнинг энг содда вазифаси-суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алик, суҳбатдошни очиқ юз билан кутиб олишдан бошланади. Бу жиҳат миллий ўзига хосликка эга. Яна бир муҳим вазифаси ижтимоий тажрибага асос солиш, бўлиб, одам боласи фақат одамлар орасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси-у болани у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради. Синф гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган боланинг қўли ишга бормайди. Ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳадиксираш, ҳавотирланиш, ўзига ишончсизлик, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Бошланғич синф ўқувчиларини шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг ўқиш фаолиятига таъсир кўрсатади. Ўқувчилар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамнинг ишлаш қобилиятини ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирода топади. Бу ҳамқорликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси бўлса, унда одам ишга “байрамга келгандай” келадиган бўлиб қолади. Демак, мулоқот кишиларнинг жамиятда ўзаро ҳамқорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Бошланғич синф ўқувчиларнинг мулоқот маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади.

ФОЙЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент “Адолат” 2008. 40 бет
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т. 1997 йил.
3. И.А.Каримов, Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият 2008 й
4. И.А.Каримов, Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори.Т.: Ўзбекистон 1999 й.
5. Баркамол авлод орзуси. Т. 1999 .
6. Каримов И. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч - кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. Т. “Ўзбекистон” нашриёти. 2004. 32 б.
7. Азаров Ю.П. Болаларни севиш санъати. -Т.: Ўқитувчи, 1992 й. -198 б.
8. Аждодлар ўғити. Тошкент, 1991 й, 154-б.
9. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари Т.: Фан.1990 й.-169 б.
10. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-Қулуб» 29-бет, Т-1983 йил)
11. Абу Наср Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Тошкент: «Халқ мероси», 255 бет.
- 12.Бадиий терма китоб. Боғчаларнинг катта гуруҳлари учун. Тузувчилар: С.Ғозиева, Д .Очилова, Л. Долимова. Тошкент. «Ўқитувчи», 1993,188 бет.
13. С. Очил. Мустақиллик мафқураси ва тарбия асослари. Т. 1954. 23 бет.
14. Илми ахлоқ.Т.: Ёзувчи. 1993.-15.б.
15. Мусурмонов А. “Таълим-тарбияда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш”. Т.: Ўқитувчи, 1993.
- 16.Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 й. -149 б.
- 17.Рувинский А.Р. «Тарбиявий иш методикаси» Т. «Ўқитувчи» 1991.
18. Сафо Очил. "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари". Тошкент, "Ўқитувчи" 1995.-254 б.

19. Сувонов О.ва бошқалар. "Педагогик технологияларни қўллаш давр тақозоси". "Халқ таълими", 2004 йил, № 5.

20. Саидназарова Ф., Саидназаров И., «Тарбия –одоб ва оқибат» Т. Ўзбекистон 1999

21. Ўқувчилар адабиёти. Хрестоматия. ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун. Тошкент. «Ўқитувчи», 1993. 271 бет.

22. www/педагог/уз

23. www.w.w.w.зиё.нет

Мундарижа

КИРИШ.....3-9

I. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқоти-ижтимоий жараён сифатида.....10-34

1.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг мулоқот маданиятини шаклланишида шарқ алломалари қарашлари.....35-39

II. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

2.1.Бошланғич синф ўқувчиларида мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг маҳорати.....40-46

2.2 Мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқув фанларнинг ўрни.47-53

2.3 Бошланғич синф ўқувчиларида “Одобнома” фанини ўқитиш жараёнида мулоқот маданиятини шакллантириш усуллари.....54-60

Хулоса.....61

Фойдаланилган адабабиётлар рўйхати.....62-63

ИЛОВАЛАР